



MILLIY TIKLANISH

49 (110) 2010 йил 1 декабрь, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган
www.milliytiklanish.uz



Босма оммавий ахборот воситалари
Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда сўз эркинлигини таъминлаш ва ОАВнинг мустақил фаолият олиб бориши учун зарур қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ахборот тизимида нодавлат нотижорат институтлари ва тузилмаларининг ташкил этилиши ва ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилди.

4 ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ



Янги иш ўринлари кўпаймоқда
Аҳоли фаровонлигини ошириш, даромадни юксалтиришда касаначиликнинг ўрни катта. Вилоятда айниқса "Сарбонтекс", "Гулистон экстратёг", "Ховосдонмахсулотлари", "Сирдарё электр тармоқлари" акциядорлик жамиятлари корхоналарида касаначиликка катта эътибор қаратилмоқда.

6 ЖАРАЁН



"Оналар куйлаганда"
Ўзининг асл қадриятлари, урф-одатлари билан жаҳон афкор оммаси эътибори ва эътирофига сазовор бўлиб келаётган жонажон юртимизда фарзанд тарбиясига ҳам алоҳида аҳамият бериб келинган. Айниқса, оиладаги маънавий муҳит посбонлари бўлмиш оналаримиз ва хотин-қизларимизнинг бу борадаги хизматларини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

8 КЎЗГУ

МТ

БУГУНГИ СОНДА:

ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ	2-бет
ПАРТИЯ ҲАЁТИ	3-бет
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ	4-бет
ЖАРАЁН	6-бет
ХАЛҚАРО ҲАЁТ	7-бет
КЎЗГУ	8-бет

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА МАҚСАДЛАРИГА МУШТАРАК

ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО АЛОҚАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил одимлаб бормоқда. Шу мақсадлар йўлида ўзлик-гимизни англаш, юрт равнақи, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигини таъминлаш талаби аниқ ва равшан белгилаб олинди. Бу вазифаларни бажариш аввало ислохотлар жараёнини изчил ва босқичма-босқич амалга оширилишига боғлиқ. Бу борада мамлакатимизда ўтган давр мобайнида фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар бугун ўз самарасини бермоқда.



Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузасида давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ва ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва

2-бет

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ

Инсоният сўнги юз йил ичида, айниқса, фан ва технологиялар соҳасида мисли кўрилмаган кашфиёт ва ихтироларни қўлга киритди. Фан ривожининг юксак даражага кўтарилиши янги ва замонавий транспорт, ахборот, коммуникация ва ишлаб чиқарувчи воситалар – техника ва технологияларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

ҲАР КИМНИНГ ЎЗ АЙТАР СЎЗИ БЎЛСИН

ЁХУД "АДОЛАТ" СДПНИНГ СОҲТА ДАЪВОГАРЛИКЛАРИ ХУСУСИДА

Инсоният оёғи ва у кашф этган воситалар биздан жуда олис бўлган сайёраларгача етиб борди. XX асрнинг сўнги чораги ва XXI аср ибтидосида инсоният фан ва технологиялар тараққиётида буткул янги босқичга кўтарилди. Айниқса, компьютер ва компьютер дастурларининг кашф этилиши фан ва технология соҳасида инқилобий бурилиш ясади. Бугунги кунда деярли барча соҳаларда гипертехнологиядан нанотехнологияга ўтиш жараёни бошланди. Фан ва технологияларнинг юксак даражадаги ривожини инсониятнинг вақт, масофа ва кишилик жамиятига нисбатан бўлган мавжуд қарашларини ўзгартириб юбораяпти. Янги XXI асрга "ахборот асри", "техника ва технологиялар асри", "нанотехнология асри" дейилган номлар берилётгани ҳам бежиз эмас. Шу боис, давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки даврларида фан ва технологиялар тараққиётининг ҳуқуқий ва иқтисодий пойдевори тикланган бўлса, сўнги йилларда давр ва эҳтиёжга ҳамохан тарзда навбатдаги, энг муҳим бўлган амалий босқичга қадам қўйилди. Маълумотларга қараганда мазкур соҳада айни пайтда 160 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат, қонун, жалқаро шартнома ва битимлар амал қилмоқда. Шу ўринда "Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ҳамда "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарорларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

3-бет

МАФКУРА

ОАВ ва РЕКЛАМА

УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Президентимиз Ислам Каримов жорий йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусида қилган маърузасида ижтимоий ҳаётни эркинлаштириш сиёсати барча нодавлат нотижорат ташкилотлар, қолаверса, ҳар битта ватандошимиз олдида изчил ва самарали фаолият юритиш талабини қўйди. Кенг қамровли ва муҳим стратегия аҳамиятга эга бўлган маърузада таъкидланганидек, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёни сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа барча институтлари зиммасига залворли масъулия, таъбир жоиз бўлса, улкан мажбурият юклайди.

2-бет

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

Мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири суд ҳокимияти нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг инсонларвар демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини оширишдан иборат.

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ

ЮРИТИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Демак, одил судловни амалга оширишга фақат суд ҳокимияти ҳақлидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Ушбу қоидадан ҳам кўри-

ниб турибдики, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш суд органларига юклатилган.

Одил судловни фақат судлар томонидан амалга оширилиш принципи нафақат фуқаролик процессуал ҳуқуқи, балки жиноят процессуал ва ҳўжалик процессуал ҳуқуқига ҳам хос конституциявий принцип ҳисобланади.

4-бет

ДАВРА СУҲБАТИ

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРДА

ЁШЛАР МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ



3-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи – 158



ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

ПАРТИЯ ГОЯ ВА МАҚСАДЛАРИГА МУШТАРАК

ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН ЎЗARO АЛОҚАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислохотларини ва иқтисодий инновацияларни таъминлаш каби йўналишларда бир нечта қонунлар қабул қилиш ташаббусини илгари сурди.

Айниқса, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш масаласига алоҳида тўхталиб шундай деди: “Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда”.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустақамлаб кўйилгани аҳолининг турли қатламлари манфаатларини акс эттирадиган жамоат ташкилотларининг ривожланишига имконият яратди. Бугунги кунда юртимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Уларнинг фаолиятини ҳуқуқий мустақамлашга қaratилган 200 дан орტიқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Бу, мамлакатда фуқаролик жамиятининг асоси бўлган фуқаролик институтларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнига доир ислохотларнинг тобора чуқурлашиб бораётгани ва «учинчи сектор» билан давлат ҳамкорлиги натижасида мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг мустақил фаолият юритиши, давлат ва жамият ишларини бо-



қариши учун кенг имкониятлар эшиги очилганидан далолатдир. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам ўз Устави ва Дастурига асосан жамиятда амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишларда фаол иштирок этиб келаётган сиёсий куч сифатида жамоат ташкилотлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

Бу борада бошланғич партия ташкилотларидан бошлаб, туман, шаҳар кенгашлари, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари ҳамда партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, ушбу йўналишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан сиёсий ҳамкорликни амалга ошириш каби масалаларни ўз ичига олган дастур ва режа асосида фаолият олиб бормоқда.

Бугун партия мамлакатимизда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда мамлакатимиз миллий манфа-

атларини ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларимизни, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитиш, миллий тикланиш гоёсини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига синдириш ҳамда ушбу гоё асосида халқни Ватан тараққиётига, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга алоҳида эътибор қaratишни йўлга қўйган.

Хусусан, Республика “Мавнавият тарғибот” маркази, “Миллий гоё ва мафкура” илмий-амалий маркази, Фуқаролик жамиятининг ўрганиш институти, Республика “Оила” илмий-амалий маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси, Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, хунармандлари, мусаввирлари “Хунарманд” уюشمаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Маҳалла” ва “Нуроний” жамғармалари, “Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар” жамоат бирлашмаси, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, “Полонлар Миллий Энциклопедияси” жамияти, “Шаҳидлар хотираси” ва “Бобур” халқро хайрия жамғармалари ва бошқа бир қатор жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб

келинмоқда.

Партия ўз гоё ва мақсадларига муштарак нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги ишлари қўламини янада ошириш, ҳамкор ташкилотлар сафини кенгайтириш масаласида аниқ мақсад-вазифаларга йўналтирилган фаолиятини давом эттирмоқда. Жумладан, яқинда Ўзбекистон спорт мажмуасида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ҳамда Ўзбек жанг санъати федерацияси ҳамкорлигида “Баркамол авлод — миллат таянчи” мавзусида тадбир ўтказилди.

Партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Марказий Кенгаши аъзолари, партия фаоллари, Ўзбек жанг санъати федерацияси вакиллари, халқро турнир голиблари, жаҳон ва Ўзбекистон чемпионлари иштирокида бўлиб ўтган тадбирда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга қaratилган меморандум имзоланди.

Тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитаси раиси А.Турсунов, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий спорт турларини тиклаш, ривожлантириш ва ёшлар ўртасида омалаштиришга катта эътибор қaratилаётганини алоҳида таъкидлади. Кураш ва ўзбек жанг санъати каби миллий спорт турларимизнинг халқро миқёсга чиққани ана шу эътиборнинг амалдаги самарасидир.

Ўзбек жанг санъати — соғломлаштириш, қўл жанги, теурийлар жанг усули ва жанг кураши каби йўналишларни ўзида мужассамлаштирган, деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбек жанг санъати федерацияси президенти Пўлат Осмонов. — Ўзбек жанг санъати федерацияси 2009 йилнинг апрель ойида иш бошлади. Айни пайтда мамлакатимизда 30 мингдан зиёд йигит-қиз ушбу яққаураш тури билан мунтазам шуғулланиб келмоқда.

Партия ва Ўзбек жанг санъати федерацияси ўртасида тузилган меморандум келгусида асрлар оша этиб келган миллий қадриятларимиз қаторида Ўзбек жанг санъатининг кенг омалаштириш, келажак авлодга етказиш ва уни янада ривожлантириш, доврғини мамлакат ва жаҳон узра ёйиш, Олимпия ўйинлари таркибидан ўрин олишига эришиш, ўзбек жанг санъати орқали ёшларни маънавий етук, жисмонан баркамол этиб тарбиялаш ҳамда ушбу спорт тури бўйича юқори натижаларга эришган спортчиларни мунтазам қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга йўналтирилган ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асоси сифатида хизмат қилиши шубҳасиз.

Дониёр ТОШБОЕВ,
ЎзМТДП МК
Ахборот хизмати ходими

МАФКУРА

ОАВ ва РЕКЛАМА

УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ ЯНАДА МУСТАҚАМЛАНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Оммавий ахборот воситалари мазмун ва моҳияти жиҳатидан фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири саналади. Чунки, ОАВ воситасида одамларнинг теуарак-атрофда кечаётган воқеа ва ҳодисаларга нисбатан муносабати шаклланади.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун бир қатор қонунлар қабул қилинди. Уларнинг ҳуқуқий асослари вужудга келди. Журналистларимизнинг тўлақонли фаолият юритиши, касб-мехоратини намоён этишлари учун шарт-шаройитлар яратилди. Хусусан, оммавий ахборот воситалари устидан цензурага йўл қўйилмаслиги белгиланди. Шунингдек, уларнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, танқидий фикрлаш ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларга йўналтириш мақсадида

Баъзи бир реклама роликларидаги матнлар ўзбек тили қонун-қоидаларига тўла жавоб бера олмайди. Бошқа тиллардан қилинган ғализ ва тўмтоқ таржима матни кишининг гашини келтиради. Масалан, “Сникерсни тўхтатма”, “Қайноқ хитларни юкляб ол”... Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

бир қанча нуфузли танловлар ўтказиш аянба тусини олди. “Олтин қалам”, “Йилнинг энг фаол журналисти”, “Энг улуг, энг азиз” танловлари шулар жумласидандир.

Мухтарам Юртбошимиз Парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида кўйд этганидек: **“Бундай кенг миқёсдаги ишлар натижасида фақат кейинги 10 йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони қарийб 1200 тага етди. Мажбурият барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллият ва элатларнинг 7 та тилида фаолият олиб боради, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам тарқатилмоқда”.**

Шу ўринда ҳақли саволлар туғилади: мана шундай улкан тарихий ислохотлар жараёнида ОАВ ва журналистларнинг ўрни ҳамда вазифалари нималардан иборат бўлмоғи лозим? Улар муайян бир мавзу ёки масалани чуқур ва атофлича таҳлил қилиб бера олаётганими? Очигини айтганда дадил туриб “ҳа” деб жавоб бера олмаймиз. Газеталардаги аксарият материаллар курут ҳисобот шаклида берилапти. Танқидий ва таҳлилий материалларнинг сони ва сифати ҳам кўнгидагидек эмас. Айрим газета ва журналлар хатто имло ва стилистик хатолар билан чиқмоқда. Устига-устак жумлалар ҳаддан ташқари узундан-узоқ ва ғализ. Бундай ҳолатлар, айниқса, нодавлат оммавий ахборот воситаларида кўпроқ учрайди. Нодавлат радиоканаллардан бирининг бешовчиси тингловчиси бераётган “салом”га “Селомалейкум, селомалейкум, хонимлар ва жаноблар!” деяётганини қандай тушуниш мумкин? Таваб, бошловчи наҳотки, ўзини миллионлаб одамлар эшитиб турганини фаҳлмамасин? Бундан ташқари айниқса радиоканаллардаги журналистлар шевага хос сўзларни жуда кўп ишлатишади.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонунининг 7-моддасида **“Давлат тили расмий амал қиладиган доираларда ўзбек адабий тилининг**

амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилади” деб қатъий белгилаб қўйилган.

Тан олиш жоизки, мустақиллик йилларида рекламани тайёрлаш ва уни жойлаштириш бўйича ижодий тажриба шаклланди. Реклама бозори шу йўсинда кундан-кун ривожланиб бормоқда. Ҳаммамизнинг хабаримиз бор, ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш корхоналари ўз маҳсулотини кўргазмалар ташкил қилиш орқали ҳам реклама қилмоқда. Реклама нафақат маҳсулот ёки хизматни тарғиб қилувчи восита, балки ишлаб чиқаришдаги муайян ютуқларнинг намоёниши ҳамдир. Очигини айтиш керак, бўлиб ўтаётган турли кўргазмаларни қузатиб, оддий бир фуқаро сифатида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимизнинг муваффақиятидан қувониб кетамиз. Айниқса, хориждан келган экспертларнинг фикр-мулоҳазалари ҳар қандай кишини руҳлантириб юборади. Демак, кўргазма ҳам рекламанинг ўзига хос тури ҳисобланади.

Лекин оммавий ахборот воситаларида берилаётган ҳамма рекламалар хусусида ҳам ижодий гап айтиб бўлмайди. Тўғри, ҳар томонлама мукамал ишланган реклама роликлари ҳам йўқ эмас. Баъзи бир реклама роликларидаги матнлар ўзбек тили қонун-қоидаларига тўла жавоб бера олмайди. Бошқа тиллардан қилинган ғализ ва тўмтоқ таржима матни кишининг гашини келтиради. Масалан, “Сникерсни тўхтатма”, “Қайноқ хитларни юкляб ол”... Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, соҳада ютуқлар талай, лекин муаммолар ҳам етарли. Айниқса, рекламанинг маънавий-маърифий жиҳатларига эътиборни кучайтириш лозим. Албатта, бу каби камчиликларни мутахассис таҳлили, назорати ва ёрдами билан бартараф этса бўлади.

Журналист ўзи яшайётган жамиятнинг энг илғор ва пешқадам вакили бўлиши лозим. Ҳар қандай даврда баҳс ва мунозарага сабаб бўладиган энг долзарб муаммо ва масалалар улар воситасида умумхалқ муҳокамаси даражасига кўтарилган.

XXI асрга келиб фан ва техниканинг ривожланиши, глобаллашув жараёнининг шиддат билан тезлашуви, ахборот-коммуникация технологияларининг беқийс даражада тараққий этиши ахборот алмашинуви ниҳоятда жадаллаштириб юборди. Дунёнинг бир нуқтасидан иккинчи олис нуқтасига маълумот етказиш энди кўп вақт олмай қолди. Аммо таъқининг икки учи бўлганидек, ижтимоий ҳаётимизга кириб келаётган ҳар бир ижодий ҳодиса ўзи билан бирга салбий оқибатларни ҳам етаклаб келиши табиий ҳолга айланади. Баъзи бир мамлакат-

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, соҳада ютуқлар талай, лекин муаммолар ҳам етарли. Айниқса, рекламанинг маънавий-маърифий жиҳатларига эътиборни кучайтириш лозим. Албатта, бу каби камчиликларни мутахассис таҳлили, назорати ва ёрдами билан бартараф этса бўлади.

лар ахборотни фақат ўз манфаатини қўлаб тарқатаётгани сир эмас. Бунга биз тайёр туришимиз керак. Нафақат тайёр туриш керак, балки унга қарши ўлароқ ҳолис ва ҳаққоний ахборотларни ўз вақтида, тезкор етказишнинг йўли ва усулларини егаллашганимиз лозим.

Мустақиллик йилларида янги ўзбек журналистикаси вужудга келмоқда. Унинг забардаст вакиллари шаклланиб катта тушуниш мумкин? Таваб, бошловчи наҳотки, ўзини миллионлаб одамлар эшитиб турганини фаҳлмамасин? Бундан ташқари айниқса радиоканаллардаги журналистлар шевага хос сўзларни жуда кўп ишлатишади.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонунининг 7-моддасида **“Давлат тили расмий амал қиладиган доираларда ўзбек адабий тилининг**

ИСТЕЪДОД

Халқимиз тарихида Тумарис, Бибихоним, Увайсий каби маърифатли, оқила ва ҳаҳрамон аёлларимиз жуда кўп бўлган. Улар кўрсатган жасорат ҳақида тарихда кўплаб ҳикоятлар, ривоятлар битилган. Аммо биз бугун фақат ўтмишдаги момоларимизга эмас, уларнинг бугунги издошларига ҳам ҳавас қилсак арзийди. Чунки истиқлол йилларида ёшларга берилаётган эътибор йигит-қизларимиз иқтидори ва салоҳиятини рўёбга чиқармоқда ва ўз навбатида улар билдирилган бу ишончини оқлашга интиломоқдалар.

Бундан бир ярим ой муқаддам ЎзМТДП ташаббуси билан Самарқандда ўтказилган форумда “Энг моҳир спорт устаси” номинациясида 8 ёшли Зебо Усмонова шахмат бўйича тенгдошлари ўртасида голибликни қўлга киритганди. Зебо шу йилнинг 19-31 октябрь кунлари Грецияда 8 ёшли қиз болалар ўртасида бўлиб ўтган шахмат бўйича жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, 81 та давлат шахматчилари орасидан фахрли 6-ўринни эгаллади.

Зебо Усмонова 2002 йилда Самарқанд шаҳрида зиёли оиласида дунёга келди. Ҳозирда у шаҳардаги 7-умумтаълим мактабининг 2-синфида таҳсил олмоқда. Беш ёшдан опаси Юлдуз билан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқро тояфадаги мураббий Шаҳобиддин Ҳамроқулов бошқариб келаётган шахмат тўғра-раига қатнашиб келади.

Ютуқларимга устозимнинг маҳорати ва талабчанлиги тўғрисида эришдим, - дейди Зебо. - Устозим менга шахмат сир-асрорларини ўргатди.

8 ЁШЛИ ЧЕМПИОН

ЗЕБО УСМОНОВА ЎЗМТДП ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

Зебо 2009 йили етти ёшдаёқ Тошкент шаҳрида қиз болалар ўртасида бўлиб ўтган шахмат бўйича республика чемпионатида 1-ўринни қўлга киритди. 8 ёшли қиз жорий йил Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган республика чемпионатида яна бир қарра биринчи ўринни эгаллади ва Грециянинг Халқидики шаҳрида бўлиб ўтадиган шахмат бўйича жаҳон чемпионатида қатнашиш имкониятига эга бўлди.

Зебо нафақат шахматда, балки бошқа дарсларни ўзлаштиришда ҳам пешқадамлик қилмоқда, - дейди унинг синф раҳбари Лайло Мусаева. - Мактабда ўтказиладиган барча тадбирларда фаол иштирок этади. Атрофда бўлаётган ҳар бир воқеа-ҳодисани синчиклаб кузатади. Ўртоқларига меҳрибон, дилкаш ва ҳушқалқ фазилатларга эга. Зебо билан нафақат синфимиз, балки бугун мактаб фахрланади.

Зебонинг бундай беназир қобилият эгаси бўлиб шаклланишида ота-боболари қўлаверса, оила муҳитининг таъсири беқийс. Бобоси Рамазон Шодиев шеър, ғазал ва рубойлар,



ҳам адабиёт, ҳам шахмат шай-доси эди. Самарқанд Давлат университетиде ишлаб юрганيدا шахмат бўйича кўплаб мусобақалар ташкил этган. У кишининг олижаноб фазилатларини Самарқанд Давлат университетида бирга ишлаган ҳамкасблари, шоғирдлари ҳамон фаҳр билан эслаб юришади. Отаси Усмонжон Шодиев ҳам ота изидан борди. Таниқли олим айни пайтда Самарқанд Давлат университети математика факультетиде таълим бермоқда. Спорт ва санъат соҳасида ҳам аjoyиб иқтидор эгаси.

Қизим Зебонинг қобилияти, хатти-ҳаракатларини ҳар томонлама кўллаб-қувватлашга кўмакдош бўлиб келаётган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан миннатдорман, - дейди Усмонжон Шодиев. - Қолаверса ўзим ҳам шу партия аъзосиман. ЎзМТДПнинг бош мақсадларидан бири бўлган зиёилар, илм-фан, санъат ва спорт соҳаси вакилларини қўллаб-қувватлаш ва уларга суянишини жуда қадрлайман.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
“Milliy tiklanish” муҳбири

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ

ҲАР КИМНИНГ ЎЗ АЙТАР СЎЗИ БЎЛСИН

Ёхуд "АДОЛАТ" СДПНИНГ СОХТА ДАЪВОГАРЛИКЛАРИ ХУСУСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида илм-фаннинг мамлакатимиз таракқиёти ва келажикдаги аҳамиятига юксак баҳо берди. Ўзбекистон Фанлар академияси ва олий ўқув юртлири таркибидан янги лабораториялар ташкил қилиш, уларни тараққий этган мамлакатлардаги мутахассислар, илм ва фан марказлари билан алоқаларини йўлга қўйиш лозимлигига

амалиётга татбиқ этишни энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа сифатида кун тартибига қўймоқда. Мамлакатимизда унинг бевосита пойдевори саналган таълим тизимида босқичма босқич кенг қўлланма ислохотлар амалга оширилди. Мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлири буткул замонавий қиёфа касб этди. Уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Таълим тизими ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатдан янгиланди. Талаба, педагог ва мутахассисларимиз хорижий мамлакатларда ўқиб, билим ва малакаларини ошириш имконига эга бўлдилар. Пойтахтимизда бир қанча хорижий

новацион тизимни ишлаб чиқиш ва амалда рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратамиз. Негаки, бу яқин истиқболда гоёлар, ихтироларни реал амалиётга тез татбиқ этиш қобилиятига асосланган инновацион иктисодиётга ўтиш учун муҳим омилга айланади" деган "даъво" билан чиқди. "Адолат" СДПнинг ўша пайтдаги ва ундан кейинги кўпдан-кўп ҳаракатларини кузатган киши гўё бу соҳада иш энди бошланаётган экан-да, деган хулосага келиши мумкин. Газета учун гўё бошқа мавзу йўқдай битта сонда (5 ноябрь, 2010 йил) фан ва технологияга доир битта ёки иккита эмас, тўртта мақола жойлаштирилган ошқора даъвогарликдан бошқа нарса эмас.

Бундай ҳаракатлар ҳамон заррача бўлсин сўнгани йўқ. "Адолат" газетаси яқинда бир мақолада ҳеч иккиланмай "Халқ ҳўжалигининг ҳамма соҳаларида тараққиёт омили бўлган инновацион ишланмаларни амалиётга кенг жорий этиш гоёси — Ўзбекистон "Адолат" социал демократик партиясининг дастурий гоёларидан бири" деб юборди.

"Адолат" СДП тинимсиз "миллий инновацион тизим" (МИТ)ни ишлаб чиқиш ва амалда рўёбга чиқариш зарурлигини таъкидламоқда. Эътибор қилинг, гап бир муаммо ёки масала эмас, яхлит "тизим" устида бормоқда. Ана шу "ваъда"га ҳам ҳаш-паш дегунча бир йил ўтди. "Сайловлардан сўнг орадан етти ой ўтиб, қилинган ишлар ҳақида гапиринг" ("Сийёсий баҳс маданияти: ким яқини ким йироқ". "Адолат", 30 июль 2010 йил) ни афзал билган "адолатчи"ларга, қани, сайловлардан сўнг орадан етти ой эмас, бир йилга яқин вақт ўтди, сайловчиларга ваъда берилган "МИТ"ни ишлаб чиқиш ва амалда рўёбга ошириш борасида нималар қилдингиз, деб мурожаат этиш ҳар жиҳатдан ўринли бўлади. Ёки улар ибтидода бўлганидек, ҳамон ҳукумат қарорлари ва уларнинг ижроси соясизда ором олиш шайтанмикин?

Орадан гарчи бир йил ўтаётган бўлса-да, партиядан сайланган депутатлар ва партия ташкилотлари раҳбарларининг унда-бунда билдираётган таклиф ва мулоҳазалари инobatта олинмаганда "Адолат" СДП ҳамон "Миллий инновацион тизим"ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича аниқ ва мукамал бўлган ўз дастурига эга эмас.

эътибор қаратди. "Бу масалани ҳозирги вақтда олдимизда турган долзарб вазифалардан бири сифатида қўришни бугун замоннинг ўзи талаб қилмоқда", - деди давлатимиз раҳбари. Чет эллардан лаборатория учун зарур бўлган жиҳозларни олиб келиш ва бу ишга мамлакатимиз тадқиқотчиларини кенг ва фаол жалб қилиш мақсадида Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси қошида махсус фонд тузиш ва уни валюта маблағлари билан таъминлаш заруриги таъкидланди. "Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмронлик қилмайдиган аср", - деди Президентимиз. — Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмас, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун қундали ҳаёт мазмунига айланмас — бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари фан ва технологияларни ривожлантириш ва мамлакатларнинг нуфузли университетлари ўз филиалини очди. Барча босқич таълим тизимидagi янгиланиш ва ўзгаришлар қисқа муддат ичида ўз самарасини бера бошлади. Оққан дарё оқаверади, деганларидек, ўқувчи ва талабаларимиз, айниқса, математика, физика, мусиқа, санъат ва спорт соҳасида жаҳон миқёсида юксак натижаларни қўлга киритмоқда. Томирида, онгу шуурида ота-боболарининг қони ва тафаккури жўш урган ёш астроном олимларимизнинг яқинда чексиз коинот қароридан янги юлдузни кашф этиши ва унга қўйна ва навқирон Самарқанд номининг берилиши ҳамда шунга ўхшаш ана қўллаб ихтиро ва кашфиётларнинг пайдо бўлаётгани, талантларнинг кашф этилаётгани ўзлимиз ва кимлигимизни бугун ҳам жаҳонга намён ётиб турибди.

Жамиятимиз ана шундай кенг миқёсли жараёнларни бошидан кечираётган бир пайтда, аниқроғи, бундан бир йилча бурун "Адолат" социал демократик партияси сайловчилар ҳузурига "Миллий ин-

новацион тизим"ни ишлаб чиқиш ва амалда рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратамиз. Негаки, бу яқин истиқболда гоёлар, ихтироларни реал амалиётга тез татбиқ этиш қобилиятига асосланган инновацион иктисодиётга ўтиш учун муҳим омилга айланади" деган "даъво" билан чиқди. "Адолат" СДПнинг ўша пайтдаги ва ундан кейинги кўпдан-кўп ҳаракатларини кузатган киши гўё бу соҳада иш энди бошланаётган экан-да, деган хулосага келиши мумкин. Газета учун гўё бошқа мавзу йўқдай битта сонда (5 ноябрь, 2010 йил) фан ва технологияга доир битта ёки иккита эмас, тўртта мақола жойлаштирилган ошқора даъвогарликдан бошқа нарса эмас.

Коллежлар "адолатчилар" тушуниб-тушунмай ҳуда-беҳудага тилга олаётган "инновацион тизим"га кирмайдими? Қолаверса, ушбу муаммо ечими фақат битта партия, депутат ёки коллеж директорининг иши эмас-ку! Бу ишга барча давлат ва жамоат ташкилотлари қатори "Адолат" СДП ҳам масъул эмасми? Ёинки "тизим" билан "шуғулланаётган" партия учун бу муаммо анчайин майдами?

бор-йўғи биттагина депутатлик ўрнига эгамиз, бу бизнинг ишимиз эмас, деб муаммонини ҳал қилишнинг ўзини четга олаётгани қай бир мантиқа тўғри келади. Ёки коллежларни ҳамма гувоҳи бўлганидек, сайлов натижалари ҳам рўй-роқ кўрсатди.

Ушбу сатрлар қозғога тўшаётган пайтда "Адолат" газетаси шу йилнинг 26 ноябрь сонидида "Жомбойда ёш мутахассисларга эътибор қандай? Ёхуд ЎзМТДПнинг халқ депутатлари туман кенгашидаги депутатлик гуруҳи ва партия фаолларининг Ҳаракат дастури ижросидаги ҳаракатсизликлар" деб ном олган мақола эълон қилди.

Мақоланинг иккинчи жиҳати бизнинг гоёда ажаблантирди. Биринчиси шундан иборатки, Президентимиз Ислам Каримов жорий йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузасида сиёсий партиялар олдида янги вазифалар қўйиб, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон

ХРОНИКА

168 СОАТ: ЎЗМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

ХОРАЗМ. ЎзМТДП Хива туман кенгаши ташаббуси билан туман хунармандлар уюшмасида



"Миллий хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. — Халқимиз бой илмий мероси, теран тафаккури ва бетакрор маданий, маънавий қадриятлари билан дунё цивилизациясида ўзига хос ўрин эгаллаётган, - деди туман кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Ф.Машарипов. — Уларни асраб-авайлаш, сақлаш эса дастурий вазифаларимиздан саналади. Партия ташкилотлари томонидан тарғибот-ташвиқот ишларининг кенг қамровда олиб борилиши ўз навбатида аҳоли, жумладан, ёшлар онгига ўзликни англаш, ватанпарварлик ва миллий ифтихор тушунчаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Тадбир доирасида туман хунармандлари ўз маҳсулотларини намойиш этдилар.

АНДИЖОН. ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши томонидан "Миллий тикланиш" газетаси кунлари ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзМТДП МК ҳамда "Аёллар қаноти" фаоллари, халқ депутатлари шаҳар, туман кенгаши депутатлари, вилоятдаги бир гуруҳ йирик корхона-ташқилот раҳбарлари, касб-хунар коллежлари талаба-ёшлари ва ОАВ ходимлари иштирок этди. Тадбирда сўз олганлар оммавий ахборот воситаларининг жамият тараққиётида муҳим аҳамиятга эга эканлиги, ОАВ фаолиятига доир қонунлар ва бу борада яратилаётган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиш борасида фикр билдирдилар.

ЖИЗЗАХ. ЎзМТДП Зарбдор туман кенгаши ва "Қамолот" ЁИХ туман кенгаши билан ҳамкорликда "Миллий гоё — бизнинг гоё" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Маълумки, фан ва техника ҳар жиҳатдан тараққий этган бугунги кунда "оммавий маданият" ниқоби остида қириб келаётган турли таҳдидларга қарши курашининг энг самарали усули ёшлар онгига миллий истиқлол гоёсини чуқур сингдириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдир. Тадбирда маҳаллий кенгашга сайланган депутатлар ҳамда партия фаоллари сўз олиб, мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Назokat УМАРОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

ДАВРА СУХБАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси ва "Ёшлар қаноти" билан ҳамкорликда "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ёшларнинг ўрни ва роли" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва ЎзМТДП МК аъзолари, вилоятлардан таклиф этилган "Ёшлар қаноти" фаоллари иштирок этди.

ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРДА

ЁШЛАР МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ



Тадбир мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг шу йил 12 ноябрь кунини бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ва Концепциянинг ёшлар ўртасида кенг тарғиб-ташвиқ этишга бағишланди.

Йиғилишда депутатларнинг "Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма йиғилишидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар", "Демократик бозор ислохотлари ва иктисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш", "Ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари" мавзусида қилган маърузаларида, жамият ҳаётидаги янгиланишлар, амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, мамлакатимизнинг тараққиёти ва фаровонлиги йўлидан дадил ривожланиб боришни таъминлашда келажакимиз ворислари бўлган ёш авлод ҳал қилувчи куч эканлига алоҳида эътибор қаратилди.

Анжуманда сўзга чиққан ЎзМТДП МК Ижроия Кўмитаси раиси Ахтам Турсунов: — Юртбошимизнинг маъ-

рузаси юртимиз ҳаётида том маънода тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлди, - деди. — Ҳар тарафлама чуқур таҳлилларга асосланган, кенг қамровли маъмур Концепцияда давлатимиз раҳбари мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва тўплаган тажрибамизни ҳолисона баҳолаб, қўлга киритган юксак марраларимизни эътироф этган ҳолда мамлакатимизни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш бўйича биз танлаган моделнинг нақадар тўғри эканига ҳамда бундан буён ҳам шу йўлдан оғишмай, қатъият билан боришимиз зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

— Дарҳақиқат, ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" ўз олдида ҳуқуқий демократик давлат қуриш, адолатли фуқаро-

лик жамияти барпо этишда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, улар онгига миллий истиқлол гоёсини сингдириш, миллий урф-одат, қадрият ва аъналарга чуқур ҳурмат ва эҳтиром ҳиссини юксалтириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган тажрибамизни ҳолисона баҳолаб, қўлга киритган юксак марраларимизни эътироф этган ҳолда мамлакатимизни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш бўйича биз танлаган моделнинг нақадар тўғри эканига ҳамда бундан буён ҳам шу йўлдан оғишмай, қатъият билан боришимиз зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

— Дарҳақиқат, ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" ўз олдида ҳуқуқий демократик давлат қуриш, адолатли фуқаро-

Исमत ХУДОЁРОВ

Ватанга муносиб фарзанд бўлишга астойдил интилишларини изҳор этишди.

Давра суҳбатида партиянинг "Ёшлар қаноти" томонидан тарғибот гуруҳлари тузилиб, мамлакатимиз раҳбарининг юқоридаги маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифаларни худуд ва минтақаларда ҳам ёшлар орасида кенг тарғиб-ташвиқ этишга келишиб олинди.

Тадбирдан сўнг иштирокчиларнинг фикр-мулоҳаз ва таассуротлари билан қизиқдик.

Чарос ИСМОИЛОВА, ЎзМТДП Самарқанд вилояти кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли:

— Концепцияда илгари сурилган гоё ва фикр-мулоҳазалар мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг фаровон келажagini таъминлаш, юртимизни тараққий этган мамлакатлар қаторига олиб чиқишда муҳим омил бўлиши шубҳасиз. Унда белгиланган вазифаларни аҳолининг турли қатламлари орасида кенг тушунириш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу анжуманда иштирок этётган партияимизнинг "Ёшлар қаноти" вакиллари ўз худудларимизга борғач, тенгқурларимиз орасида бу ерда эшитган маърузалардаги фикр ва мулоҳазаларни батафсил етказишимиз, шунинг баробарида биз учун яратилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланишга даъват этишимиз лозим.

Шухрат ЖУМАҚУЛОВ, ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли:

— Ушбу давра суҳбатининг биз ёшлар учун самарали жиҳатини "Ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари" ҳақидаги маъруза мисолида айтишим мумкин. Ундан фаолиятимиз учун жуда муҳим бўлган тавсияларни олдим.

Дарҳақиқат, бугун ахборот асрида яшаётган эканмиз, ёшларни турли

хил ёт мафқуравий таъсирлардан сақлаб қолишнинг самарали йўлини топиш зарурати янада ортмоқда. Ҳозирги замонда ёшларни миллийлик руҳи билан ўстириш, уларда ахборот танлаш маданиятини шакллантириш муҳимдир. Бу борада "Ёшлар қаноти" олдидаги вазифалар талайгина. Биз ўз тенгқурларимизга Президентимиз томонидан белгиланган Концепциянинг аҳамияти ҳақида тушуниришимиз лозим. Зеро, ҳар бир тенгқуримиз ўз фикр ва мулоҳазалари, содир бўлаётган воқеаларга муносабати ва позициясини эркин ифода этсин.

Семинардаги маърузалар ва баҳс-мунозаралардан шуни англадимки, Ўзимиз фаолият олиб бораётган худудлардаги ёшларни маъмур масалаларга жалб этиб, уларнинг фаол иштирокини таъминлашимиз мақсадга мувофиқ.

Нигора ПЎЛАТОВА, ЎзМТДП Юнусобод туман кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли:

— ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан партияимизнинг Самарқанд, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги "Ёшлар қаноти" фаолларини тадбир юзасидан бир жойга, аниқроғи парламент биносига йиғиб биз ёш етакчилар учун айна муддао бўлди. Сабаби бундай тадбирлар ёшларнинг ҳуқуқий билимини мустаҳкамлаш, жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, она Ватанимиз тақдирига дахлдорлик тўйгуларини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Давра суҳбатида ўз мулоҳазаларимизни эркин баён қилиш билан бирга мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги янгилик ва ўзгаришлардан ҳам хабардор бўлдик.

Қамолдин ХОТАМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

**8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ КАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН**

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ

ЮРИТИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Одил судловни суд тизимининг қайси бўғинидаги судлар амалга оширишидан қатъи назар, уларнинг асосий вазифаси фуқаролар, корхона, муассаса ҳамда ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, қонуний, асосли ва адолатли ҳукм, ҳал қилув қарорлари қабул қилишдир. Бу эса мазкур принципнинг ушбу ҳуқуқ соҳалари учун муштараклигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси

Одил судловни суд тизимининг қайси бўғинидаги судлар амалга оширишидан қатъи назар, уларнинг асосий вазифаси фуқаролар, корхона, муассаса ҳамда ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, қонуний, асосли ва адолатли ҳукм, ҳал қилув қарорлари қабул қилишдир.

Фуқаролик процессуал кодексининг 6-моддаси ва “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун ва суд олдида тенгдир. Мазкур принцип нафақат фуқаролик, балки ҳўжалик ва жиноят ишларини юритишга ҳам хос конституциявий принцип ҳисобланади.

Қонун ва суд олдида тенглик принципи фуқаролик ишида иштирок этувчи шахсларнинг тенг ҳуқуқлилигини аниқлатади. Барча фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги принципи ишда иштирок этувчи шахсларнинг мулкий аҳоли, лавозимидан қатъи назар тенглиги ҳам назарда тутати.

Фуқаролик ишини судда қўришни асосий шаклларида бири яқка тартиб ва ҳайъат таркибда қўрилишидир. Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 13-моддасига кўра барча биринчи инстанция судларида иш судьянинг яқка ўзи томонидан қўрилади. Бундай пайтда судья, албатта, суд номидан иш юритади.

Ишни апелляция ва кассация тартибда қўриш Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларида уч нафар судьядан иборат тартибда, назорат тартибда қўриш эса Раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида ишлар апелляция, кассация ва назорат тартибда уч нафар судьядан иборат тартибда, Олий суд Раёсатида Раёсат аъзоларининг кўпчилиги, Олий суд Пленумида Пленум таркибининг камидан учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда қўрилади.

Ақсарият фуқаролик ишлари туманлараро (шаҳар) фуқаролик судлари томонидан яқка тартибда қўриб ҳал эти-

лади. Фуқаролик ишларининг яқка тартибда қўрилиши ишларни тез ҳал этилишига олиб келади.

Фуқаролик ишларини ҳайъатда қўрилиши ишнинг тўлиқ олиб борилиши, иш учун аҳамиятли бўлган барча ҳолатларнинг аниқлиниши, суд позициясини янада эркинроқ, мустақилроқ бўлиши ва бошқа асосларга йўл очиб беради.

Дарҳақиқат, фуқаролик ишларининг ҳайъатда қўрилиши яқка тартибда қўрилган ишларга нисбатан самаралроқ ҳисобланади. Шунингдек, фуқаролик ишларини ҳайъатда қўриш яқка тартибда қўришга нисбатан афзалроқдир: биринчидан, унда ҳолисликка риоя эти-

лиши учун кўпроқ имконият бўлади; иккинчидан, ҳайъатда иш қўрилиши судьяларнинг ишга янада беғараз ёндашишларини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасига кўра, судьялар мустақилдир, фақат қонунга бўйсунмадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон бир тарзда аралашушга йўл қўйилмайди ва бундай аралашуш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятга ҳамда сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Суд ишлари ҳолисона, ҳеч кимнинг аралашувисиз қўрилиши лозим. Судда қўрилаётган ёки қўрилган ишларни ваколатли бўлмаган шахслар томонидан назоратга олиниши суд ҳокимияти принциплариغا зид ҳисобланади.

Мамлакатимиздаги суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий мақсади суд мавқеини янада кўтартиришдир. Президентимиз Ислам Каримов таъбири билан айтганда: “Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ижобий ишларни қайд этар эканмиз, бу соҳада ҳали ечимини кутиб турган жиддий муаммолар борлигини ҳам инкор эта olmayмиз. Бу муаммолар, биринчи гада, судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш билан боғлиқдир”. Ҳақиқатан ҳам суд ҳокимиятининг мустақиллигини ва уларнинг қонунга бўйсунлигини таъминлаш ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Судьяларнинг мустақиллигини таъминлашда Конституциянинг ўрни бекиёсдир. Чунки қайси бир давлат органини олмайлик улор ўз фаолиятини Конституция ва қонунларга асосан олиб боради. Борди-ю қонунларда ўзаро номувофиқлик вужудга келса, Конституциянинг умумий қоидаларига таянади.

Фуқаролик суди ишлари юритила-

диган тил принципининг мавжудлиги Ўзбекистон Республикасининг кўп миллатлиги билан асосланади. Мазкур принцип Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 115-моддасида мустақамланган бўлиб, унга кўра Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиши ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Суд ишлари юритиладиган тил принципи конституциявий принцип бўлиб, ушбу принцип фуқаролик суди ишларини юритишда ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси ФПҚнинг 9-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида фуқаролик суди ишлари ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда юритилади.

Суд ишларини юритишда давлат тилининг ўзига хослиги шундаки, унинг ҳуқуқий мавқеи нафақат бир қонун билан, балки бевосита Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамланган. Конституциянинг 4-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади”, деб белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик ишларини юритишнинг конституциявий принциплари одил судловни сифатли, тартибли амалга ошириш, фуқаролик процесси иштирокчилари ҳатти-ҳаракатларини мақсадли йўналтириш, иш бўйича объектив ҳақиқатни аниқлаш, қонуний, адолатли ва асосланган қарор чиқариш имкониятини яратади.

Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ўзбек тилининг Конституциямизда мустақамлангани унга давлат тили мавқеини беради ва ўз ўзидан у суд ишлари юритиладиган тил принципи бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 8-моддаси 2-қисмида суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиши ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланиши белгиланган. Бу шахслар ўз она тилида ёки ўзи танлаган тилда сўзга чиқиш ва тушунтириш бериш ҳуқуқига эга, шунингдек, улор таржимон билан таъминланиши шарт бўлиб, бу ҳуқуқ улорга нафақат тушунтирилади, балки улор бундай ҳуқуқ билан таъминланади.

Суд ишлари юритиладиган тил прин-

ципи ишда қатнашувчи ва суд мажлиси залида ҳозир бўлган шахсларга ушбу жараённинг тушунарли, шу билан бирга тарбиявий характерда бўлишини таъминлайди. Бу қоида жараённинг барча босқичларига тегишли бўлиб, унинг бузилиши суд ҳукми, ҳал қилув қарорининг бекор қилинишига асос бўлади.

Суд ишлари юритиладиган тил принципи риоя этилиши иш ҳолатларининг тўғри аниқлиниши, қонуний ва асосли ҳал қилув қарори чиқарилишига кўмаклашади.

Ошкоралик принципи фуқаролик процессуал ҳуқуқининг конституциявий принципларидан биридир. Мазкур принцип Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 113-моддаси, “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддаси, Фуқаролик процессуал кодексининг 10-моддасида мустақамланган. Унга кўра барча судларда ишлар ошкора қўрилади, давлат ёки тижорат сирларини сақлаш манфаатларига зид бўлган ҳоллар бундан мустасно. Қатнашувчи шахслар ҳаётига тааллуқли маълумотларнинг ошкор бўлишига йўл қўймаслик, шунингдек, фарзандликка олиш ва ёзишмалар сирини сақлалини таъминлаш мақсадида суднинг асосланган ахборот ахримига биноан, иш суднинг ёпиқ мажлисида қўрилишига йўл қўйилади.

Ёпиқ суд мажлисида қатнашувчи шахслар, зарур ҳолларда эса гувоҳ, эксперт, мутахассис ва таржимонлар ҳам қатнашадилар.

Ёпиқ суд мажлисида суд ишлари барча қоидаларга риоя қилинган ҳолда қўрилади. Суднинг ҳал қилув қарори доимо ошкора эълон қилинади. Суд ишларини ошкоралик принципи асосан амалга оширилиши фуқароларнинг суд ҳокимиятига нисбатан тўғри муносабатни шакллантириш, фуқароларнинг одил судлов тўғрисида ҳаққоний ва ҳолис маълумотга эга бўлиши, энг асосийси судга бўлган ишончининг орттиришидан иборатдир.

Ошкоралик принципи судларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунилишининг муҳим қафолати ҳисобланади, жамоатчиликнинг одил судлов устидан назорат юритишини таъминлайди. Бун-

КОНФЕРЕНЦИЯ



БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ТИЗИМИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

Пойтахтимиздаги “DEEMAN” меҳмонхонасида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли дастурий марузасида белгиланган вазифаларга бағишланган “Фуқаролик жамияти институтлари тизимида босма оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини ошириш масалалари” мавзусида республика конференцияси ўтказилди. Тадбирда депутатлар ва сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуриндаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон Экологик ҳаракати аъзолари, республикамизнинг етакчи босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари раҳбарлари қатнашди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда сўз эркинлигини таъминлаш ва ОАВнинг мустақил фаолият олиб бориши учун зарур қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ахборот тизимида нодавлат нотижорат институтлари ва тузилмаларининг ташкил этилиши ва ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилди. Ушбу соҳада бозор иқтисодий механизми жорий этилмоқда. Мамлакатимизда фаолият юритаётган нодавлат нашрлар, телевидение, радио, ҳамда аудиовизуал воситаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган жамоат ташкилотлари ривожланмоқда.

Бугун мамлакатимизда мингга яқин босма ОАВ фаолият кўрсатмоқда. Мустақиллик йилларида босма ОАВ тизими деярли қайтадан ташкил этилди, сиёсий-ижтимоий йўналишдаги янги газеталар вужудга келди. Ҳозирда мамлакатда 700 га яқин газета, 240 журнал, 4 та ахборот агентлиги фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда ахборот соҳасига коммуникация технологияларини кенг тартибда истифода қилиш улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу сазъ-ҳаракатлар ОАВ учун янги имкониятлар яратиш билан бирга интернет журналистикаси ривожига, миллий ОАВнинг халқоролар медиа майдонига интеграциялашувга хизмат қилади. Бугунги кунда янгилик бериб борувчи миллий интернет порталлари тизими кенгаймоқда, деярли барча босма ОАВ ўз веб-сайтга эга. 2010 йил 1 январь ҳолатига кўра миллий “Uz” домени майдонидида доменлар сони 10,3 мингга етди. Вазирлик ва идоралар томонидан веб-сайтлар орқали аҳолига интерфаол хизмат кўрсатиш 2,8 мартага кўпайди. Интернет тизимидаги уланишга ёрдам берувчи ташкилотлар сони 977 тага етди. Интернетдан фойдаланувчилар сони 6 млн дан ошди.

Мустақил босма нашрлар ташкилий-ҳуқуқий шароитлари ҳамда уларнинг эркин ривожланиши ва шаклланишининг ҳуқуқий ва иқтисодий қафолатини тақомиллаштириш, жамиятни либераллаштириш ва демократик ўзгаришларда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Президенти Концепциясида ахборот соҳасида қатор янги қонунларни ишлаб чиқиш ва амалдаги қонунларга ўзгартиришлар киритиш тақлиф қилинмоқда.

Тадбирда Олий Мажлис ҳузуриндаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди молиявий кўмағида амалга оширилган “Босма ОАВда фаолият юритаётган журналистларнинг республика тахририятларида малака ошириш” лойиҳасининг якуний босқичи ҳам ўтказилди.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

АНЖУМАН

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Маданият саройида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Миллий университет томонидан “Жисмоний ва маънавий соғлом авлодни тарбиялаш – давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш ва бошқа вазирликлар, республика Маънавият тарғибот маркази, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгаши, олий ўқув юрталари мутасаддилари, Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти тингловчи-

лари, Тошкент шаҳар академик лицейлари ва касб-ҳунар коллежлари директорлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” жамғармаси, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси ва бошқа қатор ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Анжумани кириш сўзи билан очган ЎзМУ ректори, сенатор Фафуржон Муҳамедов, мамлакатимизда 2010 йил – Барка-

ЯНГИ АВЛОД ВАКИЛЛАРИ

ҲАЁТГА ДАЛИЛ КИРИБ КЕЛМОҚДА

Миллий дастури, Мактаб таълимининг ривожлантириш Давлат Умумий миллий дастурида белгиланган кенг қўламли вазифалар билан ҳамоҳанг. Барқамол авлод – жамиятимиз тараққиётининг асосидир. Юртимиз мустақиллигининг илк йиллариданоқ жисмонан ва маънаван барқамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани беҳиз эмас.

Бугун ўз келажагини мамлакатимизнинг келажаги билан боғлиқ ҳолда кўрадиган, янгиликларни янги авлод вакиллари ҳаётга дадил кириб келмоқда. Улар сиймосида етук мутахассислар, интеллектуал салоҳияти юксак даражада бўлган, хорижий тилларни пухта ўзлаштирган, замонавий техника ва технологиялар сирларини му-

камал ўзлаштирган йигит-қизларни қўриш мумкин. Маълумки, мамлакатимизда иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими яратилган. Олий ўқув юрталарида бакалавр, магистр ва аспирантлар учун давлат стипендиялари жорий этилган. Юртимизнинг эртанги қуни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёш мутахассислар Ватанимиз тараққиётининг йўлида собитқадамлик билан сафимизга кириб келишларига умид қилсак бўлади. Бу – Барқамол авлод йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг тўлақонли рўёбга чиқиши билан ҳам изоҳланади. Дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўлида Миллий университетда етук

дан ташқари, мазкур принцип муҳим тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, суд жараёнида иштирок этувчи ва фуқароларнинг қонунни бузиш қандай оқибатларга олиб келишидан огоҳлантиради. Ошкоралик принципи аҳолини суд жараёнида ҳақиқат маълумотга эга бўлишини таъминлайди. Шунингдек, одил судловни амалга оширишда халқ назоратининг ўзига хос шакли ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик ишларини юритишнинг конституциявий принциплари одил судловни сифатли, тартибли амалга ошириш, фуқаролик процесси иштирокчилари ҳатти-ҳаракатларини мақсадли йўналтириш, иш бўйича объектив ҳақиқатни аниқлаш, қонуний, адолатли ва асосланган қарор чиқариш имкониятини яратади.

Д.ҲАБИБУЛЛАЕВ,
ТДЮИ фуқаролик процесси кафедраси доценти

иллий педагог-ҳодимлар ҳам тайёрланмоқда. Шу мақсадда мазкур ўқув даргоҳидан 79 та ихтисослик бўйича фан номзодлари ва 25 та ихтисослик бўйича фан докторлари этишиб чиқмоқда. Аспирантлар ва таққийотчиларнинг илмий ишлари ҳимоясини амалга ошириш мақсадида университетда 7 та докторлик ва 5 та номзодлик ҳимоялари бўйича Ихтисослашган кенгаш фаолият кўрсатмоқда.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг мақсади – таълим соҳасини тўдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқилган йўл халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга ошириладиган янгила-

ниш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнида мослаш каби вазифаларини амалга ошириш лозим.

Биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср экан, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ёшларимиз саҳида университетда 7 та докторлик ва 5 та номзодлик ҳимоялари бўйича Ихтисослашган кенгаш фаолият кўрсатмоқда.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг мақсади – таълим соҳасини тўдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқилган йўл халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга ошириладиган янгила-

Азиза УСМОНОВА

МАЪНАВИЯТ

ТЎҒРИ СЎЗ

НОГИРОНЛАР МАНФААТИ

УНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ ЮЗАСИДАН ЮРТИМИЗДА САЛМОҚЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Бугун бир-биридан баланд ва серхашам иморатлар юртимиз, жумладан пойтахтимиз кўрига кўрк қўшмоқда. Уларнинг ташқи ва ички архитектура-си, замонавий жиҳозланганлиги, барча имкониятларга эгаллиги кишини қувонтиради. Давлатимиз раҳбари қурувчи ва меъморлар билан мулоқотлари чоғида қурилаётган бинони одамлар учун ҳар томонлама қулай ва барча шароитлар яратилган бўлишига алоҳида эътибор берадилар.

2008 йил 11 июлда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш" янги таҳрирдаги Қонуннинг 9-моддасида: "Аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қуриш, турар-жой хуудларини шакллантириш, янги қурилиш, бинолар, иншоотлар ва уларнинг мажмуалари учун лойиҳа ечимларини ишлаб чиқиш, шунингдек, транспорт воситаларини, умумий фойдаланадиган алоқа ва ахборот воситаларини, кўрсатиб ўтилган объектларни уларга ногиронлар қира олиши ва улардан ногиронлар фойдалана олиши учун мослаштирилмасдан ишлаб чиқишга йўл қўйилмайди" деб

уларнинг жамоат транспортларидан фойдаланишлари бугун қай тарзда йўлга қўйилган. Бу борада «Тошхавраавтобусхизмати» уюшмаси муҳандиси Ҳабибулла Исмаилов шундай дейди:

«Ҳозир кўпчилик жамоат транспортлари ўриндиқларида ногирон ва ёш болалар йўловчиларга ўтириши учун махсус белги қўйилди. Бу ўриндиқлар агар улар чиққанда банд бўлса-да бўшатиб берилиши керак. Бундан ташқари, ногиронларнинг автобус ва бошқа жамоат транспортларига чиқиши учун аппаратлар ўрнатилган. Бу ускуна ёрдамида аравададаги йўловчилар ҳам чиқиб манзиллари-

уларнинг мустақил ҳолда келиб-қетиши учун музейларда зарур шарт-шароит яратилиши керак.

Бугун фаолият олиб бораётган маънавият масканларининг кўпчилигида лифтлар мавжуд. Аммо негадир улардан деярли фойдаланилмайди. Аслида уларни ишга тушириш, зарур пайтда фойдаланиш музей раҳбариятидан у қадар кўп меҳнат талаб этмайди. Бу каби ҳолатларни бошқа театрларимизда, баъзи бир истироҳат боғларида, бекат ва бозорларнинг кириш-чиқиш жойларида ҳам учратиш мумкин. Аммо бу пойтахтимиздаги ҳамма иморатларда, давлат ва нодавлат ташкилотлари биноларида санаб ўтилган қулайликлар йўқ дейиш ноўрин. Жумладан, истиқлол йилларида қурилган кўпгина иморатларда савдо-саноат кўргазмалари учун мўлжалланган «бизнес марказларида, кўп қаватли замонавий кўринишдаги ташкилотларда барча кишилар имконияти ҳисобга олинганлиги билан ҳам диққатга сазовордир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида тасдиқланган қўшма лойиҳа бўлиб, унинг асосий йўналишлари ногиронлар ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ ҳамда соғлом инсонлар билан тенг қилишга қаратилган, дейди "ACCESS" (ногирон инсонларни тенг ҳаётини фаолият муҳитига қира олиш, иш билан таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва фуқароликни англаш) лойиҳаси муҳандиси Дилшод Аҳмедов. Шунингдек, уларга кўрсатиладиган ёрдамни хай-

тириш воситалари ҳақида мутасадди ва мутахассисларга кўрсатма, тавсиялар ишлаб чиқмоқдамиз.

Аммо шуни қайд этиш лозимки, лойиҳа фаолияти билан шугулланаётган ходимлар сафида ногирон шахсларни умуман учратмадик. Кимга нима кераклигини унинг ўзинчалик ҳеч ким ҳис этмаса, бил-маса керак.

Шунингдек, ногиронларга қонун асосида яратилиши шарт бўлган қулайликлар ҳусусида бир қанча ташкилотлар, савдо шахобчаларида бўлди. Масъул раҳбар, ходимлар билан учрашдик. Бироқ маиший хизмат кўрсатиш жойларининг аксариятида пандуслар, чиқиш-тушиш учун мўлжалланган ушлагичлар йўқлиги, борлари ҳам ҳаракатланиш учун хавфли бўлган силлиқ мармардан қилинган аниқланди. Хусусий шахобча эгалари эса бино қурилиши ўзларига алоқасиз эканликларини айтиш билан чекланишди. Бу ҳақда Тошкент шаҳар Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бош муҳандиси Аваз Содиков шундай дейди:

«Айни пайтда пойтахтимизда қад ростлаётган биноларни лойиҳалаш ва қуришда унинг миллий услубда эканлигига, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган хомашёлардан фойдаланилаётганлиги ҳамда аҳоли учун қулайлигига алоҳида эътибор берилади. Вазирлар Маҳкамасининг пойтахт аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича чиқарилган қарорига асосан шаҳардаги туманлар ва ҳар бир маҳаллада савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари қурилмоқда. Қурилишга туширилаётган объектлар дастлаб, лойиҳалаш — Архитектура қурилиш институти билан ишлаб чиқилади. Сўнгра бошқармаимиздаги Тошхаврасоз-ватлаш ва фуқароликни англаш) лойиҳаси муҳандиси Дилшод Аҳмедов. Шунингдек, уларга кўрсатиладиган ёрдамни хай-

Айни вақтда фойдаланишга топширилаётган объектларнинг барчасини шу талабга жавоб бера оладими? Қонунга мувофиқ эса кенг жамоатчиликка мўлжалланган иморат ва бинолар ногиронлар учун ҳам мослаштирилган ҳолда қурилиши, шунингдек, жамоат транспортларида махсус кириб-чиқиш мосламаси ўрнатилган бўлиши зарур.

белгилаб қўйилган. Айни вақтда фойдаланишга топширилаётган объектларнинг барчасини шу талабга жавоб бера оладими? Қонунга мувофиқ эса кенг жамоатчиликка мўлжалланган иморат ва бинолар ногиронлар учун ҳам мослаштирилган ҳолда қурилиши, шунингдек, жамоат транспортларида махсус кириб-чиқиш мосламаси ўрнатилган бўлиши зарур. Аммо собиқ тузум даврида қурилган ва барпо этилаётган айрим иншоотларда махсус йўлакчаларни учратмайсиз. Жамоат транспортларида ҳам арава-чали йўловчиларнинг транспорт салонида чиқиши учун мўлжалланган мослама деярли йўқ ҳисоби.

Лойиҳаларни ногиронлар фойдаланиши учун мослаштирилган ҳолда қилишига эътибор берилиши керак, дейди Тошкент шаҳар ногиронлар жамияти раиси Ҳасан Бурханов. «Бино ва иншоотлар мулкчилигининг қайси тарафидан қатъий назар белгиланган тартибда бўлиши лозим. Лекин айни пайтда айрим савдо марказларида, суд-ҳуқуқ тизимига қарашли биноларда, ўқув юртиларида бундай имкониятларни учратиш қийин. Жамоат транспортлари ҳам ногиронлар бировнинг ёрдами-сиз чиқиши учун шароитлар тўлақонли эмас. Ногиронларни ҳам жамиятнинг тенг ҳуқуқли фуқароси эканлигини ҳаммага билдириш, улар ҳам барча қатори бор имкониятлардан фойдалана олиши лозимлигини кишилар онгига синдириш керак. Бу борада қонунда белгиланган қоидаларга риоя қилмаган ташкилотларни, уларга раҳбарлик қилаётган мутасаддиларнинг фаолиятини назоратга олиш зарур деб ўйлайман.

Чиндан ҳам, бирон юмуш билан кўчага чиққан ногирон кишининг манзилига етиб бориши, нафақат унинг ўзига, балки мавжуд шароитлардан қай тарзда фойдалана олишига ҳам боғлиқдир. Ун тўрт, йигирма кишига мўлжалланган маршрутларга аравадагиларнинг чиқиши учун имконият йўқ экан,

га етиб олишлари мумкин. Эътибор қилган бўлсангиз, Германиядан келтирилган Mercedes-Benz автобусларининг салонлари кенг, қулай, зиналари йўқ. Бу барча йўловчилар учун қулайлик туғдиради. Айни пайтда ногиронлар жамоат транспортга бемалол чиқиши учун мослаштирилган бекатлар қурилмоқда.

Мосламаларнинг ўрнатилганлиги яхши, аммо улар пойтахт йўналишларидаги барча жамоат транспортини қамраб олганми? Аслида, йўловчилар учун барча қулайликларга эга деб эътироф этилаётган транспортларда бу каби мосламалар бўлиши мажбурий эмасми?

«Бу каби мослама бизнинг автосаройимиздаги автобусларга ўрнатилмаган, дейди 28-сонли йўналишда қатновчи автобус ҳайдовчиси. «Яъни, бундай ускуналар транспорт сотиб олинаётганда буюртма қилинмаган. Буюртма эса харажатларни оширади. Кўриб турганингиздек, Туркиядан келтирилган бу автобус ичи кенг ва текис. Агар йўлда арава-чали ногирон учраса, уларга ўзимиз ёрдамлашишимизга тўғри келади.

Бугун фаолият олиб бораётган маънавият масканларининг кўпчилигида лифтлар мавжуд. Аммо негадир улардан деярли фойдаланилмайди. Аслида уларни ишга тушириш, зарур пайтда фойдаланиш музей раҳбариятидан у қадар кўп меҳнат талаб этмайди. Бу каби ҳолатларни бошқа театрларимизда, баъзи бир истироҳат боғларида, бекат ва бозорларнинг кириш-чиқиш жойларида ҳам учратиш мумкин.

рия сифатида эмас, балки республика қонунлари билан кафолатланган ҳолда амалга ошириш, лойиҳанинг барча босқичларида ногирон инсонларни қатнашишини таъминлаш ҳамда турмушидаги ижтимоий тўсиқларни енгиб ўтишларида уларга яқиндан қўллаб-қувватлашдан иборат. Имконияти чекланган кишиларга махсус қўлланма яратиш устида ҳам ишламоқдамиз. Унда тажриба олиб борилаётган шаҳарлардаги ногиронлар фойдаланадиган барча объектлар рўйхатга олиниб, суратлари билан маълумотнома тайёрланмоқда. Шу билан аҳоли пунктлари хуудларини лойиҳалаштириш ва қуриш, автотўй, хавфсиз йўлқалар, бекат майдончалари, йўл кўрсаткичлари, транспорт воситалари, умумий фойдаланиш ва информацион алоқа воситалари тузиш ва ишлаб чиқиш ҳамда таянч, ҳаракатланиш тизимида айрим тиббий нуқсонларга эга кишилар қатновини енгилаш-

тасдиқдан ўтиб, қурилишга рухсат олади. Тўғри, ҳозир баъзи бировлар белгиланган талабларни четлаб ўтишга ҳаракат қилишади. Аммо бу каби ҳолатларга ҳозир анча чек қўйилган. Лойиҳа эгаларининг бундай ўзбилармонлиги назорат инспекциялари қатъий чора кўриши керак.

Таъкидлаш жоиз, илгари қурилган объектларнинг архитектурасида имконияти чекланган кишилар эҳтиёжлари деярли ҳисобга олинмаган. Мустақиллик йилларида эса бу борада қатор қонун ва норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Уларни тўла-тўқис амалиётга татбиқ этиш ишларини назорат қилишда қурилаётган бинолар, реконструкция қилинаётган маданий-маърифий муассасаларнинг мутасаддилари тузиш ва ишлаб чиқиш бўлиши, бу вазифага бурч ва масъулият билан ёндашиши зарур.

Наргиза АСАДОВА



Халқ амалий санъати намуналари

ФОРУМ

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ — БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИНИНГ АСОСИ

АНА ШУ МАҚСАДДАГИ ХАЛҚАРО ФОРУМ ИККИ КУН ДАВОМ ЭТДИ

29-30 ноябрь кунлари Республика болалар ижтимоий-мослашуви маркази, "Sen yolg iz emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълими, Соғлиқни сақлаш ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шунингдек, ЮНЕСКО Болалар жамғармаси, ЮНЕСКО билан ҳамкорликда "Соғлом турмуш тарзи-баркамол авлод тарбиясининг асоси" мавзусида форум бўлиб ўтди.

Унда ҳамкор ташкилот вакиллари, халқаро мутахассислар, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, "Қамолот" ЁИХ Марказий кенгаши ва УЗМТДП Тошкент шаҳар кенгаши аъзолари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Абдулла Орипов кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Хорхе Иван Эспинал, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Жан-Мишель Дельмот маъруза қилди. Вашингтон (Сизтл, АКШ) университети ижтимоий фаолият факультети профессори Даяна Пирс эса замонавий шароитда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасаларининг янгила-ни бораётган фаолияти ҳақида гапириб ўтди.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги А.Хайитов "Ўзбекистон аҳолисининг манзилли ижтимоий ҳимоя қилишининг долзарб масалалари", Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги А.Мараҳимов "Баркамол авлоднинг тарбиялаш, уларга замонавий билим бериш борасида халқ таълими тизими олдида турган устувор вазифалар", Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги В.Ҳодиев "Олий таълим тизимида баркамол авлод тарбиясидаги ишлар самарадорлиги ва истиқболлари", Соғлиқни сақлаш вазирлиги А.Икромов "Она ва бола саломатлигини сақлаш - баркамол авлод шаклланишининг гаровидир" мавзусида маъруза қилишди.

Мамлакатимизда баркамол ва соғлом авлоднинг тарбиялаш ва уларни маънавий етук инсонлар қилиб вояга етказиш масаласи давлат сиёсатининг устувор вазифаларининг бири саналади, - деди ўз маърузасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги А.Мараҳимов. - 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб

номланиши ва Давлат дастурининг қабул қилинганлиги, ҳар йили уч босқичли "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" каби спорт мусобақаларининг мунтазам равишда ташкил этиб келинаётгани фикримиз исботи.

Республикамизда таълим соҳасини янада ривожлантириш мақсадида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масаласига жиддий эътибор қаратилди. Шунингдек, сўнгги беш йил ичида 314 млн. нусхадаги дарсликлар давлат бюджети ҳисобидан чоп этилди ва барча умумтаълим мактабларининг ўқув адабиётлари билан тўлиқ таъминланишига эришилди. Болалар мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантириш йўлида ҳам қатор шароитлар амалга оширилиб, 46 та мусиқа ва санъат мактаблари барпо этилди ва фойдаланишга топширилди. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва спортни кенг тарғиб қилиш, уларни спортга жалб этиш мақсадида 724 та мактаб спорт заллари замонавий услубда қайта таъмирланиб, спорт анжумалари билан бойитилди. Бошланғич синф ўқувчиларига "Саломатлик", юқори синфлар учун "Соғлом авлод асослари" дарс соатлари ўтирилиб йўлга қўйилди. Давлатимизда имконияти чекланган болаларнинг жамиятда ўз ўрнини топишлари алоҳида эътибор берилмоқда. Уларга масофадан туриб ўқиш имкониятини яратиш масаласи кўриб чиқилиб, 2000 нафардан ортиқ имконияти чекланган ёшлар электрон дарсликлар билан таъминланди.

Шунингдек, тадбирда Республика Бош прокурори ўринбосари Алишер Шарофидинов сўзга чиқиб, бола ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назорати муҳим омил эканлигини миқдор асосида тушунтириб берди.

«Ҳар йили ўтказилиши аънаънага айланиб бораётган бугунги форумда келаганимиз эгалари бўлган ёшларни жисмонан ва маънаван баркамол этиб тарбиялаш масалалари кўриб чиқилди, илгор хорижий мамлакатлар мутахассисларининг тажрибалари ўрганилди, тегишли тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди, - дейди УЗМТДП Тошкент шаҳар кенгаши аъзоси, юридик факультети доктори Лола Саидова. - Эътиборли томони шундаки, юқорида тилга олинган, ҳар томонлама етук баркамол авлоднинг вояга етказиш масалаларининг барчасини амалга оширишда бизда қонуний асослар яратилган. Бу форумда иштирок этаётган хорижий мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилди. «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» - ги қонун фикрининг ёрқин исботидир.

Бундан ташқари форумда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг таълим самарадорлигини ошириш, XXI аср ёшлари интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, фарзанд тарбиясида оила-маҳалла-мактаб ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш лозимлиги ҳақида фикр билдирилди.

Н.УМАРОВА, "Milliy tiklanish" мухбири



«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АК

2011 йил

вақтли матбуот нашрларига обуна давом этмоқда.

Тел: (8-371) 233-75-49

сайт: www.akmt.uz, e-mail: info@akmt.uz

ЖАРАЁН

ДАСТУР — АМАЛДА

Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини ошириш, ижтимоий ҳимоя қилиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Сирдарё вилоятида ҳам бу борада салмоқли ишлар амалга ошириляпти. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда тўрт мингдан зиёд аҳоли иш билан таъминланди.

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

ЖОРИЙ ЙИЛДА ТЎРТ МИНГ НАФАР КИШИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ. ШУНДАН 500 НАФАРИ КАСАНАЧИЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНМОҚДА

- Вилоятда ижтимоий инфратузилма объектларини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, касаначиликни ривожлантириш ҳисобига кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда, - дейди биз билан суҳбатда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиги ўринбосари Муроджон Муҳаммадиев. - Туман ва шаҳарларда банклар томонидан аҳолига кредит ресурслари ажратилмоқда. Ажратилган кредитлар эвазига чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик соҳалари ривожланмоқда. Вилоятда "Баркамол авлод

йили" Давлат дастури ижросини бажариш, ёшларни доимий иш билан таъминлаш, уларни касб-хунарли қилиш каби масалаларга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада мунтазам равишда ўтказиб келинаётган "Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар" меҳнат ярмаркасининг аҳамияти бениҳоя катта бўлмоқда. Ўтган давр давомида уч марта мана шундай тадбир бўлиб ўтди. Яқинда эса Гулистон шаҳрининг янги барпо этилган "Ёшлар ижодиёт маркази"да бўлиб ўтган навбатдаги меҳнат ярмаркаси катта тантанга айланди. Шу кунги тадбирда вилоятдаги 109 та корхона ва ташкилот 780 та бўш

иш ўрни билан иштирок этди. Меҳнат ярмаркасида 2340 нафар фуқаро иштирок этди. Шу кунги 640 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Улардан 500 нафарини ёшлар ташкил этди. 155 нафар фуқаро касбга қайта тайёрлаш ўқув курсларига юборилди. 64 нафари эса жамоат ишларига жалб этилди. 1510 нафар фуқарога эса малакали хуқуқшунослар томонидан меҳнат қонунчилиги оид зарур маслаҳат ва йўл-йўриқлар берилди.

Аҳоли фаровонлигини ошириш, даромадни юксалтиришда касаначиликнинг ўрни катта. Бу иш берувчи ва ишловчи учун ҳам катта қулайлик туғди-



ради. Вилоятда айниқса "Сарбонтекс", "Гулистон экстратёв", "Ховосдонмаҳсулотлари", "Сирдарё электр тармоқлари" акциядорлик жамиятлари корхоналарида касаначиликка катта эътибор қаратилмоқда. Йил бошидан буён 500 нафар фуқаро

касанаши сифатида ишга қабул қилинди. Гулистон, Мирзаобод, Сирдарё, Боёвут туманларида касаначилик йўналишидаги ишлар намунали ташкил этилган.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ...

СОЛИҚДАН ҚОЧГАН ТАДБИРКОР

УЗОҚҚА ҚОЧИБ КЕТА ОЛМАДИ

Солиқ тўлашдан бўйин товлаган, қочган ёки даромадни яширган киши алаоқиқбат тегишли тартибда жавобгарликка тортилади. Мазкур оддий ҳақиқатни нафақат савдо соҳасида фаолият юритаётган тадбиркор ёки фирма эгаси, балки оддий фуқаро ҳам жуда яхши билади. Ўзини савдо соҳасининг "даҳо"си ҳисоблаган "RAM PROFI QURILISH" МЧЖ раҳбари М.Абдурахманова, бош ҳисобчи А.Лутфураҳманова ва уларнинг шериклари бу нарсаларни билмасликлари мумкин эмас эди.

Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан 2010 йил 30 апрель куни "RAM PROFI QURILISH" МЧЖ фаолияти таҳлил қилинганда, Тошкент шаҳар, Учтепа туман ҳокимиятидан рўйхатдан ўтган жамият раҳбари Р.Абдурахманова, бош ҳисобчи А.Лутфураҳманова ва бошқалар ўзaro тил бириктириб, савдо-сотик қоидаларига амал қилмаган ҳолда катта миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни қасддан тўламай фаолият юритиб келаётганлиги аниқланган. "Бир гап бўлар, текширувчи келганида бир йўлини қилармиз" деган ўй-хаёл билан кун кечирган жамият аъзолари кўза келиб синиши ҳақида бош ҳам қотиришмаган. Аммо қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деганларидек текширув чоғида уларнинг жуда кўп қинғир ишларга қўл ургани маълум бўлди. Ўз шахсий бойликларини кўпайтириш мақсадида давлат бюджетига тўлаши лозим бўлган солиқларни тўламасдан, турли найрангларни ўйлаб топилган.

Жумладан, жамият раҳбари Р.Абдурахманова, бош ҳисобчи А.Лутфураҳманова ва бошқалар 2009 йил давомида жами 2.637.999.237,8 сўмлик обой, клей ва бошқа қурилиш маҳсулотларини тижорат мақсадида импорт қилиб, корхона томонидан 2009 йил якуни бўйича топширилган ҳисоботларда юқорида қайд этилган товарлардан бор-йўғи 981.236.400 сўмини сотилган, деб кўрсатишган. Хатто сотилган товарлардан 5 фоиз ставкада 49.061.820 сўм миқдорда ягона солиқ тўлови ҳам тўлашган. Ҳисоботларда чалкашлик юз бермаслиги учун қолдиқда 31.030.900 сўмлик товарлар мавжудлиги акс эттирилганига нима дейсиз? Бу ҳали ҳаммаси эмас. Текширув давомида яна шуниси маълум бўлдики, жамият аъзоларининг яширинча "тўплаган" пуллари юқорида кўрсатилган суммадан ҳам зиёдроқ экан.

Бир қарашда ҳаммаси рисоладагидек. Солиқлар тўланган, қолдиқ маҳсулотлар мавжуд. Аслида эса корхона томонидан солиқларни тўлиқ тўламашлик мақсадида қолган 1.355.731.937 сўмлик юқори ликвидли товар моддий бойликлари республикамиз бозорларида нақд пулга сотиб юборилган. Савдодан тушган пул маблағлари эса тегишли тартибда банкка инкассация қилинмаган. Сотилган 1.355.731.937 сўмлик товар моддий бойликлардан 5 фоиз ставкада 67.768.596 сўмлик ягона солиқ тўловлари эса давлат бюджетига тушиш ўрнига тўппа-тўғри корхона эгаларининг чўнтағига бориб тушган.

Мазкур ҳолат юзасидан "RAM PROFI QURILISH" МЧЖ раҳбари Рамиля Магсумовна Абдурахманова, бош ҳисобчи Алевтина Рашидовна Лутфураҳманова ва бошқаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Аъзамжон НОРБЎТАЕВ,
Бош прокуратура ҳузурдаги СВОЖДЛҚК
Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси
СОЖАБЭОО бўлими катта инспектори

«ҲУЖЖАТИ БЎЛСА БЎЛДИ»

Собир (мақоладаги исм шарифлар ўзгартирилган) эрталаб ишга чиққанида "питак"да ҳеч ким кўринмади. Ҳар доимги шерикларим қаёққа кетдидикин, деб ўйлади ўзича. Кейин аста-секин машиналар кела бошлади. ЗИЛ-130 русумли юк машинасининг у ёқ бўёғини артиб турганида унинг ёнига икки аёл келди:

- Ука озгина юкларимиз бор эди, Тошкентга обориш керак.
- Жоним билан, ҳужжатлари бўлса бўлди, қаерга десангиз "ес" қиламиз.
- Ундай бўлса кетдик!

Собир яхшигина миждо чиққанидан, икки савдогар аёл - Х.Умарова ва О.Асқаровалар эса ҳайдовчини тезгина кўндира олганларидан хурсанд эдилар. Юк машинаси аввалига тўппа-тўғри Андижон вилоятидаги "Жаҳон бозори" томон йўл олди. Анча-мунча ҳўжалик моллари юклаганча, ҳамкорлар Юлиқчи туманига боришди. У ерда бир неча аёллар оқ рангли «Дамас» автомашинасидан яна бир қанча молни юклаб беришди.

Собир аёллардан ушбу ҳўжалик молларига тегишли ҳужжатларни сўраганида Х.Умарова ўзининг тадбиркорлик гувоҳномаси ва бир неча божхона ҳужжатларини кўрсатди. Қолган аёллар эса ўзларига тегишли товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига айланма йўллар орқали олиб қилинганлиги сабабли, тегишли ҳужжатлари йўқлигини айтиб, бу товарларни Тошкент шаҳрига олиб кетаверишини, орқасидан ўзлари кузатиб боришларини, борди йўлда муаммо туғилса, уларга қўнғироқ қилишини, ўзлари барча муаммони ҳал этишларини айтишди. Собир шунча юкни қайтариб туширишга эриндими ёки шунча аёл олдида гурури йўл қўймадими, ҳарқалай уларнинг айтган шартига қўнишга мажбур бўлди.

Юк машинаси Тошкентга яқинлашар экан, Собирнинг юрағида гулгула пайдо бўлди. У қандай қилиб бўлмасин юкларни ўтказишни ўйларди. Божхона постига келганида унинг хавотири ўринли чиқди. Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан Тошкент шаҳар, Бектемир тумани "Шарк" маскани олдида ўтказилаётган тадбир фуқаро С.Алиевнинг хатосини "тўғрилади". Унинг бошқарувидаги ЗИЛ-130 русумли давлат рақами 16 М 4473 бўлган юк автомашинаси тўхтатилиб қўздан кечирилганда, унинг юкхонасида Ўзбекистон Республикаси божхона назоратидан яширинча йўллар билан четлаб олиб ўтилган, хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган 44 турдаги 74.857.400 сўмлик ҳўжалик моллари борлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Қинғир ишнинг қийиғи албатта чиқади. Содда Собирни алдаган хусусий тадбиркор Хайриниса Умарова, Ойазимжон Аскаророва, ҳамда уларнинг Хумор, Санобар, Роза, Оқила, Гулноза исмли номмаълум шерикларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисми "а" банди, 189-моддаси 2-қисми "б" банди ва 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Шоҳрух РИХСИЕВ,
Бош прокуратура ҳузурдаги СВОЖДЛҚК
Департаменти Тошкент шаҳар Бошқармаси
СОЖАБЭОО бўлими бошлиғи

МАВСУМ

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига биноан эълон қилинган "Ёнгин хавфсизлиги ойлиги" мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда. Одат тусини олган ушбу ойлик ҳар йили 15 ноябрдан 15 декабргача ўтади. Ойликни ўтказишдан қўзланган мақсад содир бўлаётган ёнгинлар сонини камайтириш, асосийси, фуқароларда ёнгиндан сақланиш борасидаги тушунчаларни пайдо қилишдан иборат.

Айниқса, корхона ва ташкилот ишчи-хизматчилари, ўқув муассасалари ўқувчилари, ўсиб келаётган ёш авлод ҳамда кенг аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, ёнгиннинг олдини олиш ва унинг оқибатида содир бўлиши мумкин бўлган аянчли ҳолатлар тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш, уларни огоҳликка чақириш кўзда тутилган.

"Ёнгин хавфсизлиги ойлиги"нинг ноябрь-декабрь ойларига тўғри келиши шунчаки тасодиф эмас. Чунки айнан шу ойларда республикамиз аҳолиси ўз хонадонларини турли хил электр мосламалари ёрдамида иситишга ҳаракат қилишади. Айрим фуқароларимиз иситиш печлари ва мўриконларини мавсумга сошлаб қўйишни унутишади. Натижада, носоз ва қўлбола усулда ясалган электр иситиш мосламаларидан фойдаланиш, газ плиталарини тўхтовсиз ёқиш ҳамда газни ноқонуний равишда резина шланг орқали улаб олиш туфайли турли хил ёнгинлар содир бўлмоқда. Агар шу йилнинг ўтган даврида содир бўлган ёнгинлар таҳлилига эътибор берсак, ёнгинлар айнан совуқ кунларда содир бўлаётгани кўзга ташланади. Сўнгги пайтада ёнгинларнинг қарийб 45-55 фоизи айнан иситиш печларининг қаровсиз қолдирилаётгани сабабли рўй бермоқда. Шунинг учун кузги-қишки мавсумда ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг зиммасидаги масъулият янада ортади.

Айни кунларда республикамизнинг қатор корхона ва ташкилотларида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш ва офатга олиб келувчи арзимас сабабларга ҳам беъэтибор бўлмаслик мақсадида турли хил тадбирлар, учрашувлар ва савол-жавоблар уюштирилмоқда. Ёнгин хавфсизлигига ҳар биримиз риоя қилишимиз шарт. Шу орқали биз нафақат жонимизни, мисоллаб тўплаган молу дунёимизни, балки яқинларимиз, фарзандларимиз, қўйингки, юртдошларимиз хавфсизлигини ҳам таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Умидхўжа АКРАМОВ,
ЎзР ИИБ ЁХББ катта
муҳандиси, майор

ТАБИАТ ВА ИНСОН

Азал-азалдан ота-боболаримиз мевали ва манзарали дарахтлар экиб, юрт чиройига чирой қўшишган. Бу аъна ҳозир ҳам давом этапти. Айниқса, мустақилликдан кейин ўрмонларнинг табиий биохилма-хиллигини сақлаш, ҳимоя қилиш, сувларнинг тоза ва мусоффолигини таъминлаш, атмосферани ва иклимни мўътадиллаштириш соҳасида муайян ишлар қилинди.

ЎРМОНЛАР ГЎЗАЛЛИК ВА ДАРОМАД МАНБАИ



Маълумки, ўрмонларнинг ҳолати, уларнинг атроф-муҳитга ижобий таъсири шу соҳага оид иш юритиш усуллари ҳам боғлиқ. Самарқанд Марказий ўрмон хўжалиги ҳам табиатни муҳофаза қилиш, ҳайвонот оламни қўриқлаш, ер ресурслари ва кадастри, ўсимлик дунёсини ҳимоялаш тўғрисидаги қонунлар доирасида фаолият юритиб келмоқда. Ушбу ўрмон хўжалиги умумий майдони 27375 гектар. Шундан: ўрмон билан қопланган майдонлар 10386, кўчатхоналар 42 (доимий кўчатхона), яйлов ва бўз ерлар 10287, томорқа, йўл ва ижтимоий бинолар 565, бўш ётган ерлар 6095 гектарни ташкил қилади. Мавжуд кўчатхоналарда ва дарахтлар қатор ораларида 35-36 хил дарахт навлари, 6,9-7 млн. туп кўчат ниҳоллари етиштирилмоқда. Бу кўчатлар асосан ўрмонзорлар барпо қилиш, республика ва вилоят ташкилотларига сотиш ҳамда Самарқанд шаҳрини ободонлаштиришда ишлатилмоқда. Қолаверса, чўл, тоғ ва тоғолди зоналарида чўлланишга қарши ҳар йили 185-190 гектар майдонда дарахт уруғи ва кўчатлардан ўрмонзор барпо қилинмоқда. Уларнинг ўртача кўкариши тоғ ва тоғолди зоналарида 75-80 фоиз бўлса, чўл зоналарида бу кўрсаткич 50-60 фоизга етди.

Ўрмончиларимиз олдида турган асосий вазифалардан яна бири маҳсулдор ўрмонлар барпо этиш, унинг дарахт таркиби ва сифатини яхшилаш, юқори ирсий хусусиятларга эга бўлган дарахт ва буталар уруғларини териш, мавжуд табиий ҳамда маданий ўрмонзорларни келажак авлодларга етказишдан иборат. Жамоамиз томонидан чўл, тоғ ва тоғолди яйловлар ҳолатини яхшилаш, уларни бойитиш, маҳсулдорликни ошириш, ўрмонзорларнинг табиий тикланишига кўмаклашиш, кўплаб маданий ўрмонзорлар барпо этиш, кўчма қумларни мустаҳкамлаш, кўчкларга қарши чоралар қўриш, тоғ ён-бағриларида эрозияни олдини олиш мақсадида арча, бодом, pista, наъматак, ўрик, тоғ олчаси ва бошқа турдаги дарахт навларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРҲ

Сўнги пайтларда турли халқро конференция ва анжуманларда сув тақчиллиги масаласига эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, яқин 20 йил ичида 3 миллиард одам, яъни башариятнинг салкам ярми сув ресурслари етишмайдиган ҳудудларда яшайди. Сув чиндан ҳам оби ҳаёт, тириклик негизидир. Ана шу бебаҳо неъматнинг етишмаслиги мамлакатларда ички ва ташқи сиёсий вазиятни таранглаштиради.

СУВ ВА ОДАМ

ДУНЁДА ОБИ ҲАЁТ ТАҚЧИЛЛИГИ ЙИЛ САЙИН КЕСКИН СЕЗИЛМОҚДА



Яқинда жаҳондаги йирик, озиқ-овқат, нефть, сув қувурлари ва кимёвий компаниялар (Shell, Coca-Cola, Procter & Gamble, Cargill ва бошқалар) махсус ҳисобот тайёрлашди. Унга кўра, яқин 20 йиллик муддат бурилиш даври бўлади. Зотан, тобора кўпроқ мамлакатлар ўз ривожланишида шунинг сифатига бағишланган маъруза боради. Бирлашган Миллатлар Ташкилати ҳам турли мамлакатларда ҳаётнинг сифатига бағишланган маъруза тайёрлади. Унда айтилишича, ҳозир Ердаги сув миқдори бутун инсониятни қондиришга етмади. Аммо бугунги кунда 1 млрд.дан ошқ инсон тоза ичимлик суви, 2,6 миллиарди эса ка-

200 миллион кишининг ҳаётига салбий таъсир ўтказмоқда ва бу ҳолат яқин вақтда 50 миллиондан ортиқ кишининг мажбурий кўчишига олиб келиши мумкин. Деярли барча каттароқ ва катта дарёлар бир неча давлатларнинг ҳудудидан ўтади. Масалан Молдова, Руминия, Венгрия, Туркманистон, Исроил ва яна 10 га яқин мамлакат ўз сув эҳтиёжларининг 75 фоизини четдан олишади. Озарбойжон, Латвия, Словакия ва Украинада бу кўрсаткич 50 фоизга тенг.

Ҳиндистон-Покистон. Покистон ҳудудидан ўтаётган аксарият дарёларнинг, жумладан бош дарё Ҳинднинг бошланиши Ҳиндистондадир. 1948 йилнинг ёзида Покистон мустақилликка эришгандан буён бу мамлакатнинг Панжоб вилоятини сув билан таъминловчи каналларини Ҳиндистон бир неча марта ёпиб қўйган. Аммо 1960 йилда Дехли ва Исломобод Ҳинд дарёсининг ҳавзасидан биргаликда фойдаланиш ботида келишув ҳужжати имзо чекдилар. Лекин 2005 йилнинг бошида таранглик яна кучайди. Ҳиндистон ва Покистон «икки рўзгор бўлиб» яшай бошлаган даврдан буён аҳоли жон бошига тўғри келадиган ичимлик суви миқдори Ҳиндистонда

уч баробар (5 минг м³ дан 1,8 минггача), Покистонда эса 4 баробар (5,6 дан 1,2 минггача) камайди. 1 минг м³ кўрсаткичи энг хатарли, сўнги чегара ҳисобланади.

Иордан атрофи. Исроил ва Фаластин, Ливан ва Иордания ўртасида ичимлик сувининг доимий тақчиллиги билан боғлиқ кескин таранглик мавжуд. Худуднинг энг катта дарёси – Иордан. «Сув учун кураш» дегани – шунчаки чиройли ибора эмас. Исроил 1967 йилда босиб олган Голан тепалиқларини Сурияга қайтаришдан бош тартаётганининг сабаби ҳам шундадир: чунки Иордан дарёсининг юқори қисмини кўлдан чиқариб қўяди.

Нил. Фиръавнлар салтанатини боққан бу дарё бугун анчагина мамлакатлар ўртасида келишмовчилик сабаби бўлаётир. Судан, Эфиопия, Уганда ва Миср ана шу дарёдан фойдаланиш ботида қатор давлатларaro ҳужжатларни имзолашган. Аммо Миср ҳар йили Нилдан 55,5 млрд. м³ сув олса, Суданнинг улуши 18,5 млрд. Хуллас, шунга ўхшаш паст-баланд рақамлар бу ҳавзада дўстликнинг кучайишига хизмат қилиши маҳол.

Тянь-Шань ва Помир-Олой тоғ тизмаларида муз ва қор шаклида тўпландиган сув захираси иссиқ кунлари бутун худуднинг оби ҳаётга эҳтиёжини қондиради. Бундан ташқари, кейинги йилларда Марказий Осиёда сувни тасарруф этиш режими заимлаштирувчи кучли омил пайдо бўлди. Бу энергетика факторидир. Дарёларнинг юқори қисмида жойлашган Киргизистон ва Тожикистон трансчегаравий дарёлардан фақат ўз манфаатини кўзлаб йирик гидроэнергетик иншоотларни қуришга киришиши халқро ҳуқуқ нормаларига зиддир ва бу Амударё ва Сирдарёнинг куйи оқимида жойлашган мамлакатлар манфаатига ҳамда экологик вазиятга жиддий путур етказиши.

Беҳбуд БОТИРОВ

СТАТИСТИКА ТИЛИДА

● БМТ маълумотиға кўра, инсоннинг нормал ҳаёти учун кунига камида 20 литр сув керак. Санузеллар 50 литр сув истеъмол қилади. Биз ҳар кун фойдаланаётган буюмлар ва бошқа воситаларни яратиш учун «сарфланган» сувни ҳисобга олсак, бой мамлакатларда истеъмол миқдори афсонавий рақамга етди – одам бошига кунига 3000 литрдан тўғри келади. Пахта толали битта футболка ишлаб чиқариш учун 27 минг литр сув керак. Кўмир ёқилмадан ишловчи электр станциясида бир кВт энергия ишлаб чиқариш 1,6 литр суви, АЭСда эса 2,3 литр суви талаб қилади. Дунёда товарларга талаб ошгани сайин сувга бўлган эҳтиёж ҳам ортиб боради.

● Агар жаҳонда 1,1 млрд. одам кунига атиги 5 литр сув билан қармоқланса, европаликлар жон бошига 200, АҚШда 400 литр сув сарфлашади. Бугун 43 мамлакатдаги тахминан 700 млн. одам инсонга керак бўлган минимал эҳтиёждан ҳам кам сувга эга. 2025 йилга бориб сувсизликдан изтироб чекадиганлар сони 3 млрд.га етди. Зеро, сувга эҳтиёж Хитойда, Ҳиндистонда, Африканинг Сахрои Кабирдан жанубдаги мамлакатларида кескин ошиб кетади. Шимолий Хитойда ҳозирдаёқ 538 миллион одам сувсизликдан қийналмоқда.


● Ривожланаётган мамлакатларнинг 50 фоизидан кўпроқ аҳолиси сув камлиги ва каналлаштириш йўқлигидан келиб чиқадиган касалликларга чалинмоқда. Агар ифлос суви истеъмол қилиб касалликдан вафот этиб кетаётган одамлар сонини қийслашсак, ОИТС ва безгак туфайли дунёдан кўз юмаётган бахтсизлардан кўра кўпроқ эканлигини кўраимиз. Бу гап, айниқса, болаларга тегишлидир: ҳар йили 2 млн. гўдак сув муаммоси туфайли нобуд бўлмоқда.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Кема озодликда, қароқчи қамоқда

Сомали қароқчилари Туркия, Украина кемаларини қарийб икки ой ушлаб тургандан сўнг озодликка чиқарган.

Маълумотларга кўра, кема а л а р д а г и қарийб 40 нафар экипаж аъзоси маълум миқдордаги гаров пули эвазига қутқарилган. Аммо гаров пули қанча эканини маълум қилмаган. Турли манбаларда айтилишича, Туркия компанияси Сомали қароқчиларига камида 1,5 миллион доллар маблағ тўлаган. АҚШнинг Вирджиния штати суди эса сомалилик Ж. А. Ибраҳимни 30 йилга озодликдан маҳрум этган. У Сомали қирғоқларида АҚШга тегишли «Эшленд» кемасига ҳужумларда қатнашганликда айбдор, деб топилган.



Муссон ёмғирлари

Ҳиндистонда муссон ёмғирлари оқибатида сув тошқинлари келиб чиққан.

Мамлакатнинг Карнатака, Андхра-Прадеш ва Махараштра штатлари аҳолиси табиий офатдан жабр кўрган. Маълумотларга қараганда, сув тошқинлари камида 200 дан ортиқ одамнинг ҳаётига зомин бўлган. Маҳаллий ҳукумат вакилининг билдиришича, табиий офат туфайли 1,5 миллион аҳоли уйсиз қолган.



Поезд рельсдан чиққан

Таиланддаги Хуахин шаҳрида йўловчи поезди рельсдан чиқиб кетган.

Оқибатда қарийб 10 киши ҳалок бўлган, 100 га яқин йўловчи турли даражада жароҳатланган. Шифокорларнинг билдиришича, қурбон бўлганлар сони янада ортиши мумкин. Ҳозирча воқеа сабаблари аниқланганича йўқ. Бироқ воқеа содир бўлган худудда кучли жала ёмғир ёғаётган эди. Ҳозир ушбу худудда қидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди

РАНГИН ДУНЁ

Японлар жуда болажон халқ. Шу боис, уларнинг болаларга аталган байрамлари ҳам бисёр. Ушбу байрамларнинг ҳар бири ўз тарихига эга. Бундай байрамлар Японияда қадимдан нишонланиб келинади.

Масалан, «Дзёси» қизлар байрамида япониялик ота-оналар азалий одатларга кўра ўт-ўланлардан кўғирчоқ ясаб, уни тунда ухлаб ётган гўдакнинг бошига қўйишган. Эртаси кун эса боладаги касаллик ва барча ёмон иллатлар ҳаммаси кўғирчоққа ўтди, деган ўйда кўғирчоқни сувга оқизишган. Вақт ўтиши билан бундай кўғирчоқларни оқ қозоқ, лой ҳамда ёғочдан ясаш урфга қиради. Шундан сўнг, кўғирчоқ ясаш катта меҳнатни талаб қилганга боис, уларни ташлаб юбориш одатидан воз кечилди. Кўғирчоқлар бўлган меҳр-мухаббат, ўзгача эътибор «Хина-мацури» — кўғирчоқлар байрамининг расм бўлишига сабаб бўлади. Бу байрам XVIII асрга келиб давлат байрами сифатида кенг нишонлана бошланган.

Байрам кўғирчоқлари 15 дона бўлиб, улар маросим кунини ҳар бир хонадонда махсус тахтадан ясалган тоқчаларга қўйилади. Энг юқори тоқчада қирол ва

қиролича, кейин малика ва шаҳзода, кўриқчи ҳамда созаңдалар кўринишидаги кўғирчоқлар бирма-бир териб чиқилади. Япониялик жажжи қизалоқлар уч кун давомда мана шу кўғирчоқларни ўйнашади. Байрамдан сўнг улар яна қайта қутига жойлаб қўйилади. Қадимги афсоналарда айтилишича, мабодо кўғирчоқлар қайтиб қутига жойланмаса, шу хонадоннинг қизи турмушга чиқмай қолиши ёки бахтсизлик келиши мумкин, деб ҳисобланган. Шу сабаб, Японияда қизлар учун энг яхши совға «Хина-мацури» кўғирчоқлари бўлиб, у ҳар бир оилада авлоддан-авлодга мерос бўлиб келмоқда.

Мамлакатда ҳар йили бешинчи май кунини нишонладиган болалар байрами авваллари асосан ўғил болаларга бағишланган бўлиб, у «Танго» деб аталган. Бу байрамда ўғил болалар гарчи кўғирчоқ ўйнамаса-да, уларга ҳам ҳарбий кийимдаги кўғирчоқларни қурол-

ЯПОНИЯДА БОЛАЛАР БАЙРАМЛАРИ

РАНГ-БАРАНГ КЎРИНИШГА ЭГА

лари билан совға қиланар эди. Аммо, энг ноёб совға III асрда яшаган афсонавий қиролича Дзинг ва унинг биринчи министри кўринишидаги кўғирчоқлар эди. Айтишларича, уларнинг иккови Японияни узоқ йиллар давомда бошқаришган.

Ҳозирги кунда бу байрам «Гулсапсар байрами» дейилади. Шу кунини япон халқи ўз хонадонларини гулсапсар гуллари билан безатади. Шунингдек, қадимдан нишонланиб келинган бу байрамдаги барча миллий ўйин ва маросимлар мана шу гул билан боғлиқ бўлиб келган. Шундай ўйинларнинг бирида болалар бир талай қилчиримон гулсапсар баргини йиғиб, у ҳар бир оилада авлоддан-авлодга мерос бўлиб келмоқда.

Мамлакатда ҳар йили бешинчи май кунини нишонладиган болалар байрами авваллари асосан ўғил болаларга бағишланган бўлиб, у «Танго» деб аталган. Бу байрамда ўғил болалар гарчи кўғирчоқ ўйнамаса-да, уларга ҳам ҳарбий кийимдаги кўғирчоқларни қурол-

эъзозланади.

XVII асрда япон халқининг бир ажойиб байрами бўлган. Ушбу болалар байрамида ҳарбийлар оиласи уйининг томига байроқ ёки найза ўрнатилган. Олдий оилаларга эса бундай қилишга рухсат берилмаган. Шунда бир ўғли бор хонадоннинг гурури устун келиб, найзага санчилган карп балигини уйининг томига санчиб қўяди. Бу ҳолат ҳаммани ҳайратга солса-да, ҳеч ким унга қаршилиқ қилмади. Аксинча, аста-секин мана шу одат японларнинг қалбига янада чуқур қира бошлади ва бора-бора миллий анъанасига айланади. Чунки, карп сув оқимида қарши суза оладиган балиқ бўлиб, у қатъиятлик, мардлик тимсоли ҳисобланади. Ҳозир ҳам японияликлар бу одатни жуда қадрлашади. Улар хоҳ қишлоқ, хоҳ шаҳар ҳаттоки кўп қаватли уй бўлишига қарамай, уй томига боланинг ёшига кўра карп балиғи тасвирини осини қанда қилишмайди.

Осмону фалакка минглаб варрақлар учирини япониялик болақайларнинг сеvimли ода-



тига айланган. Варрақларнинг ҳажми турли хил бўлиб, баъзида уларнинг катталиги ўн беш, йигирма метр бўлади. Бу байрамнинг келиб чиқишига ўрта асрда юз берган бир тарихий воқеа сабаб бўлади. Чекка бир қишлоқда яшовчи бой киши

ЕТТИ, БЕШ, УЧ...

Ноябрь ойининг ўртасида, яъни 15-кунини Японияда болаларга бағишланган яна бир миллий фестиваль «Ситигосан» нишонланади. Бу байрам асосан етти, беш ва уч ёшдаги қиз ва ўғил болалар учундир. Японларда боланинг туғилганидан уч ёшига қадар сочи таги билан олиниб турилади. Уч ёшга тўлгандан сўнг улар гўдаклик ёшдан ўтди; деб боланинг сочини турмаклашга рухсат берилди. Японияликлар «беш ёш»ни ўғил болаларнинг жуда муҳим даври деб ҳисоблашади. Шу кун махсус маросим ўтказилиб, беш ёшли болаларга хризантема баргидан ясалган «хакама» шими тақдим этилади. Қизларнинг мана шунга ўхшаш маросими етти ёшда ўтказилиб, уларга «оби» номли кимано тантана билан кийдирилади. Хуллас, болаларнинг энг сеvimли совғаларидан яна бири «амэ» чўзилувчан конфектлар ушбу байрамда алоҳида аҳамиятга эгадир. Улар турли-туман кўринишда бўлиб, байрам кунлари бундай конфектларнинг бир метрлиси ҳам учраб туради.

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, «Milliy tiklanish» мухбири

VATAN TUVU'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
ХОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ»
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ
Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АХМЕДОВ, Фолибшёр
ЗИЯЕВ, Сувор НАЖИДДИНОВ, Мухаммаджон
КУРОНОВ, Фауржон МУХАМЕДОВ, Улуғбек
МУХАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам
ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ,
Арслон ЭШМУРДОВ
Бош муҳаррир:
Жалолоддин САФОЕВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000,
Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
e-mail: milliyti@sarkor.uz
Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан № 0223 рақами
билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1123, Адади — 2488

Газета таҳририят компьютер марказида
Ақбар ШОДИЕВ
Телефонлар: (8-371) 234-69-55, 234-87-74,
234-87-73, 234-86-41 ФАКС: 234-01-47
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Саҳифаловчи:
Ақбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир:
Беҳбуд БОТИРОВ
Навбатчи:
Назозат УМАРОВА
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.00.
1 2 3 * 5

ФОНД ФОРУМ ХАБАРЛАРИ

МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗНИ ТИКЛАШ ЙЎЛИДА

Ёшлар ижод саройида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан ўзбекистонлик ва япониялик археолог, тарихчи, санъатшунос олимлар иштирокида маънавий-маърифий анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбек ва япон археолог олимларининг узоқ йиллик самарали ҳамкорлиги натижасида Сурхон воҳасидаги Фаёзтепа, Далварзинтепа, Қоратепа каби кўҳна ёдгорликларда кенг кўламли илмий-амалий экспедициялар олиб борилди. Археолог қазилмалар жараёнида топилган кўплаб осори-атиқалар қадимий ва гўзал Ватанимиз жаҳон цивилизацияси бешиқларидан бири эканлигини бутун дунёга намойён этди.

Юртимиз барча даврларда жаҳон илм-фани ва маданиятининг ривожланишида муҳим ўрин тутган. Бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларидан ташриф буюрадиган сайёҳлар Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Қарши, Термиз, Марғилон, Қўқон сингари тарихий шаҳарларидаги осори-атиқаларни катта қизиқиш билан томоша қилади. Давлатимиз раҳбарининг миллий қадриятларни тиклаш борасидаги доимий ғам-ўрлиги туфайли кўплаб ёдгорликлар қайта таъмирланди, санъат ва халқ ижодиётининг анъанавий турларини ривожлантириш учун шарт-шароит яратилди.

Анжуманда тарихий-маданий меросни ўрганиш, тарғиб этиш, бунда замонавий технологиялардан фойдаланишга оид маърузалар тингланди. Ушбу соҳага доир халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш ва мустаҳкамлашнинг истиқболлари белгилаб олинди.

Азима ҚИЁСОВА

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

МИЛЛИЙ ҚЎҒИРЧОҚЛАР ФЕСТИВАЛИ

С.Хўжаниёзов номли Қорақалпоқ Давлат ёш томошабинлар театрида Миллий қўғирчоқлар фестивалининг якуний босқичи бўлиб ўтди.



Унда Қорақалпоғистон Республикаси "Хунарманд" уюшмасининг туман бирлашмалари ҳамда Хўжайли шаҳридаги меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари томонидан яратилган миллий қўғирчоқлар кўргазмаси намойиш этилди. Томошабинлар қўғирчоқлари ясаб жараёнини кузата туриб, бу оддий иш эмаслигини, ҳар бир қўғирчоқ ортида катта машаққат ётганининг гувоҳи бўлишди. Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Халқ таълими вазирлиги ва "Хунарманд" бирлашмаси томонидан фаол қатнашчиларга қимматбаҳо совғалар ва дипломлар топширилди. "Гулзар" фольклор ансамбли жамоасининг мусиқий чиқишлари тадбирга янада файз киритди.

ЁШЛАРИМИЗ — ФАХРИМИЗ

Қўқон ва Марғилон шаҳрида "Ёшларимиз - фахримиз" номли ёшлар марафони ўтказилди.

Мазкур тадбирда Зулфия мукофоти совриндорлари, Навоий ва Бегунти стипендиялари соҳибларининг чиқишлари барчада катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, "Спортимиз - фахримиз" лойиҳаси бўйича қўқонлик таниқли спортчи усталари Шукрулло Рустамов ва Моҳичеҳра Хомидова ўз маҳоратларини намойиш этишди. Таниқли сўз устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мамасиддиқ Ширяев бошчилигидаги бир гуруҳ сўз усталари барчага яхши кайфият улашди. Тадбир иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Муктасархон КАРИМОВА

КЎЗГУ

АНЪАНА

Ўзининг асл қадриятлари, урф-одатлари билан жаҳон афкор оммаси эътибори ва эътирофига сазовор бўлиб келаётган жонажон юртимизда фарзанд тарбиясига ҳам алоҳида аҳамият бериб келинган. Айниқса, оиладаги маънавий муҳит посбонлари бўлмиш оналаримиз ва хотин-қизларимизнинг бу борадаги хизматларини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

"ОНАЛАР КЎЙЛАГАНДА"

РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ АНА ШУНДАЙ НОМЛАНДИ



Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Миллий телерадиокомпания, Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган "Оналар куйлаганда" кўрик-танлови ҳам қадимий ва бой тарихимиз, бебаҳо меросимизга ёшларда меҳр-муҳаббат уйғотиш, халқимизнинг юксак маънавий қадриятлари бўлмиш санъат намуналарини келгуси авлодларга сазовор бўлган ўтказиш йўлида қилинадиган хайрли амаллардан биридир. Тадбирнинг республика босқичида "Маҳалла" жамғармаси, "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Кўрик-танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Навоий, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридан фольклор-этнографик жамоалар ўзаро беллашдилар. Ҳар бир чиқишларда алланинг фарзанд тарбиясидаги аҳамияти, миллий анъаналаримизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва роли, бола парвариши билан боғлиқ урф-одатлар саҳнавий кўри-нишларда ифода этилди. Бу борада Навоий вилояти жамоаси етакчилиги қилиб, томошаларини келгуси авлодларга сазовор бўлди. Қолаверса, бугунги кунда унутилаёзган "Пахта солди", "Бола юрди" ва тўй-ҳашамларда ўтказиладиган удумларимиз ҳам жамоаларнинг чиқишларида ўз аксини топди. Тошкент шаҳри жамоаси уч хил алла ижроси билан йиғилганларнинг олқишига сазовор бўлган бўлса, Сурхондарё вилояти иштирокчилари томонидан чанқовуз оҳанглирида ай-тилган алла, айтишув ва лапарлар томошабинлар қалбидан жой олди.

- Гиждала-гиждала ўйноий, Киштала-киштала ўйноий. Жилагани жупатиб, Ёр-ёрларни айтойи.

Бормисиз-о, бормисиз, Ё бошқага ёрмисиз. Бунча ҳам ноз қиласиз, Юраклари тормисиз.

Гўдаклигимиздан нафақат кулоқларимизга, балки бутун вужудимизга сингиб кетган аллаларимиз, тўйларимизнинг файзи бўлган ёр-ёрларимиз бизнинг миллий ифтихоримиз ва азалий қадриятларимиздир, дейди тадбир иштирокчиси, Сурхондарё вилояти фольклор-этнографик жамоаси хонандаси Ханифа Салимова.

Тадбир натижаларига кўра иштирокчилар турли номинациялар бўйича фахрли ўринларни эгаллашди. "Энг яхши алла ижроси" номинациясида Лола Иброҳимова (Навоий), Гулнора Қозиева (Сурхондарё) ва Моҳира Шокирова (Навоий), "Худудга хос миллий либос ва қадриятлар тарғиботчиси" номинациясида Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё вилояти жамоалари, "Энг яхши лапар ижроси" йўналишида Фотима Акбарова (Наманган) ва Махфуза Боймирзаева (Тошкент), "Энг ёши улғу иштирокчи" номинациясида Ойхон ая Саитпўлатова (Қорақалпоғистон), "Энг ёш иштирокчи" - Шаҳризода Бойчигитова (Сурхондарё), "Энг яхши ёр-ёр ижроси" - Ёқутхон Раҳматуллаевалар (Наманган) голиб топилди. Шунга кўра I-ўрин Навоий, II-ўрин Сурхондарё, III-ўрин Наманган вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси жамоалари ўртасида тақсимланди. Олий мукофотга Тошкент шаҳри қатнашчилари лойиқ кўрилди.

Назкат УМАРОВА, "Milliy tiklanish" муҳбири

MILLIY TIKLANISH

2011 йил учун «Milliy tiklanish» ижтимоий-сиёсий газетасининг **ЭЛЕКТРОН НУСХАСИГА** ҳам обуна бўлинг!



«Milliy tiklanish»га тезкор усулда обуна бўлишни истасангиз, «Mahagon anime studio» масъулияти чекланган жамиятининг 311-56-33, 281-54-77 телефонларига (e-mail: info@mahaon.uz, www.citybook.uz, www.soho.uz) мурожаат қилинг!

БИЛАСИЗМИ?

Одатда, пингвинларнинг сувдаги ҳаракатли тезлиги 6-8, баъзан 12 км/соатга етади. Бироқ, сўнгги тадқиқотлар учоқларнинг сузиш тезлиги соатига 36-38 км.гача етиши мумкинлигини кўрсатди.

Женева кимошди савдосига қўйилган ўта камёб 24,78 қаратли пуштиранг олмос рекорд баҳода сотилди. Уни қимматбаҳо тошлар бўйича мутахассис Лоуренс Графф нақд \$46 миллионга харид қилган.

ТУРФА ОЛАМ

ЧАНГАЛЗОРДАГИ ИБОДАТХОНАЛАР

ПЕРУЛИК АРХЕОЛОГЛАР НАВБАТДАГИ ЭКСПЕДИЦИЯ ҚОҒИДА МАМЛАКАТ ШИМОЛИДАГИ ЧАНГАЛЗОРЛАРДАН ИККИТА МАРОСИМЛАР ЎТҚАЗИЛАДИГАН ИБОДАТХОНА ҚОЛДИҚЛАРИГА ДУЧ КЕЛИШГАН.

Мутахассисларнинг фикрича, ибодатхоналар тўрт минг йиллик тарихга эга. Шу пайтгача мамлакат худудидан топилган энг қадимий ушбу ибодатхоналар Бракаморос маданиятига тааллуқли экан. Маълумки, бу маданият ҳозирги Эквадорнинг Самора Чиничип провинцияси, шунингдек, Амасонас ва Кахамарка (Перу) худудларида кенг тарқалган. Археологик қазилмаларга қадар бу ерда ибодатхоналар борлиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган. Шу боис, узоқ йиллар давомида ибодатхоналардан чиқиндиҳона сифатида фойдаланилган экан. Шунингдек, қазилмалар пайтида қурбонликка келтирилган ёш болалар ва ўсмирлар дафн этилган 14 та дахма ҳам топилган.



ЭНГ УЗУН ОСМА ЙЎЛ

ДУНЁДАГИ ЭНГ УЗУН ОСМА ЙЎЛ АРМАНИСТОННИНГ ЖАНУБИДА ИШГА ТУШИРИЛДИ.

Узунлиги 5,7 километрлик осма йўлда ҳаракатланувчи кабиналар камида 25 кишини ўзига сиғдира оларкан. Ҳаракатланувчи тезлиги эса соатига 37 километри ташкил қилиб, йўловчиларни белгиланган манзилга бор-йўғи 11 дақиқа ичида етказиб қўяриши. Осма йўл тоғли дарадан 360 метр баландликда жойлашган бўлиб, ҳозирча унинг иккита бекати бор. Ҳозирча муаллифларининг айтишича, ушбу осма йўл бўйлаб сайёҳлик базаларини қуриш ишлари ҳам режалаштирилмоқда.



МЎЪЖИЗАКОР КЛАВИАТУРА

MICROSOFT КОМПАНИЯСИ ГАЛДАГИ ИШЛАНМАСИ УЧУН ПАТЕНТ ОЛИШ ҲАРАКАТИДА ЮРИБДИ.

Компания мутахассислари томонидан яратилган тамомилан янги типдаги клавиатурадаги рамзлар автоматик тарзда фойдаланилаётган иловага ҳамоҳанг равишда ўзгариб бораверади. Масалан, компьютер ўйини пайтида ана шу клавишлар ёрдамида ўйин монларининг хатти-ҳаракатини нини беради. Мабодо, хат юбориш ёки матн териш лозим бўлганда клавиатурада ҳарфлар пайдо бўлади. Қолаверса, клавиатура сенсор қурилмасига ҳам эга. Бундай қурилма оддий ишора ёрдамида белгиланган вазифани бажаради. Мўъжизакор клавиатура қачон савдога чиқарилиши ҳозирча номаълум.



Қаҳра бoшқариш имкoни бeради. Мaбoдo, хaт юбoриш ёки мaтн тeриш лoзим бўлгaндa клавиятуpaдa ҳaрфлaр пaйдo бўлaди. Қoлaвeрсa, клавиятуpa сeнсoр қурилмaсигa ҳам эгa. Бундaй қурилмa oддий ишoрa ёрдaмидa бeлгилaнгaн вaзифaни бaжaрaди. Мўъжизaкoр клавиятуpa қaчoн сaвдoгa чиқaрилиши ҳoзирчa нoмaълум.

Зафар МУХАММАД тайёрлади



«Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси

2011 йил учун газеталар, журналлар ва китобларга обуна давом этаётганлигини маълум қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотлар ва юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Ватанимиз маънавий-маданий ҳаётидаги янгиланишлар ва воқеалар, хорижий мамлакатлар ҳаёти билан яқиндан ва мунтазам танишиб бораман десангиз вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг! Обуна «Матбуот тарқатувчи» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг барча бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Маълумот учун куйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкентда: 233-67-71, 233-67-98

Компания тизимидаги жамиятларнинг телефонлари:

- ҚР Нукус** (3612) 22-88-68
- Андижон** (3742) 22-29-89
- Бухоро** (3652) 25-47-49
- Жиззах** (3722) 22-40-01
- Қашқадарё** (3752) 25-40-27
- Навоий** (4362) 23-26-86
- Наманган** (3692) 26-29-80
- Самарқанд** (3662) 34-22-53
- Сирдарё** (3672) 25-47-70
- Сурхондарё** (3762) 27-49-03
- Тошкент вил.** (3712) 233-13-04
- Фарғона** (3732) 24-29-22
- Хоразм** (3622) 26-63-75
- Компания бўлими** 234-85-99

Обунага кўмакчи — «Матбуот тарқатувчи»